Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

№ 221 (20. 189) • 1988 йил 25 сентябрь • якшанба

Баҳоси 3 тийин.

ПАХТАКОР ЎРТОҚЛАР!

● Шу кунгача сизнинг мардонавор меҳнатингиз натижасида республикамизнинг улкан хирмонига 1 миллион тоннадан ортиқ «оқ олтин» уйилди. Ғайратни янада ошириб, навбатдаги довонни тезроқ эгаллайлик!

● Ҳозирги ғанимат фурсатлардан самарали фойдаланиб, барча имконият ва резервларни ишга солайлик.

● Йиғим-теримни уюштиришда меҳнатга ҳақ тўлашнинг, моддий рағбатлантиришнинг илғор усулларини қўллаб, мавжуд ишчи кучларидан унумли фойдаланайлик.

● Кўпгина областларда дефолиация муваффақиятли якунланди. Терим агрегатларини тўла қувват билан ишлатадиган пайт келди. Муҳим агротехник тадбир — ғўза баргини сунъий тўктиришни тезроқ тугаллаш асосий вазифалардан биридир.

● Далада ишлаётганлар тўғрисида алоҳида ғамхўрлик қилиш маҳаллий партия, совет, касаба союз ва хўжалик ташкилотлари раҳбарларининг жонажон ишидир.

МЕХАНИЗАТОРЛАР МУСОБАҚАСИ

Келинг, беллашиб ишлайлик!

Ўтган йили машинада 120 тонна пахта терганимдан сўнг ўзимга бўлган ишончим ортди. 1980 йилдан буёнги механизаторлик фаолиятимда бундай кўрсаткичга эришолмагандим. Яна қандай шароитда денг! 1987 йил ҳосилини теришга ёппасига киришган кунимизнинг эртасига далаларимизни оппоқ қор босди. Орадан ҳафта ўтар-ўтмас уч кун тинмай ёмғир ёғди. Хуллас, 25 октябрдан кейингина «зангори кема»ларни пахтазорга олиб чиқишга шароит бўлди. Мавсум давомида механизаторлар ана шундай мураккаб вазиятда меҳнат қилдилар. Шунинг учун ҳам ўтган йилги фаолиятимдан қониқиш ҳосил қилдим.

Бу йил мени цех партия ташкилоти секретарлигига сайлашди. Партия ташкилоти секретари ҳаётда илғор, ташаббускор, ишлаб чиқаришнинг доимо олдинги сафида бўлмоғи даркор. **Шунинг учун ҳам совхоз меҳнаткашларининг умумий йиғилишида мавсумда камида 130 тонна пахта териш мажбуриятини олдим. Механизаторлардан Бакир Нишонов, Сулаймон Бобоевлар ҳам 120 тоннадан «оқ олтин» теришга сўз бердилар.** Район Советининг депутати, учинчи даража Меҳнат шуҳрати ордени соҳиби Жақсилиқ Оқбўтаев бўлса мен билан мусобақалашиш истагини билдирди. Рози бўлдим.

Аммо бу йил йириклаштирилган бригадаларда йиғим-терим ишларини олиб боришнинг ўзига хос томонлари бор. Шунинг учун ҳам ўзим меҳнат қилаётган А. Абдураҳмонов бошлиқ бригадада механизаторлар мусобақаси шартларини белгилашда уларнинг мураббийчилик ҳаракатига қўшаётган ҳиссаларига алоҳида эътибор бердик. **Яъни, ҳар бир тажрибали механизатор ўтган йилги қолоқ механизаторлардан бирини оталиққа олди. Ғўзани машинабоп қилиб ўстириш, пахта териш агрегатларини мавсумга ҳозирлашда биргаликда фаолият кўрсатдилар. Эндиликда ғолиб топилган механизатор шогирдининг агрегатида терилган пахта миқдори ва сифатига ҳам жавоб бермоғи лозим. Шундагина ўртача кўрсаткич салмоқли бўлишига эришилади. Ўтган йили эса ҳар бир машина билан терилган пахта ўртача 73 тоннани ташкил этганди, холос.**

Яқинда районимиз механизаторларининг мавсумолди слёти бўлиб ўтди. Слёт менда катта таассурот қолдирди. Унда бизнинг қўшни хўжалик — Кичанов номли совхоз механизаторлари Нурилла Муродов, Эшмурод Оқмуродов, Ульянов номли совхоздан Шокир Миродиловларнинг номлари ҳурмат билан тилга олинди. Уларнинг ҳар бири ўтган йилги мавсумда 130—145 тоннадан пахта теришган. Слёт чоғида улар билан суҳбатлашиб, иш тажрибалари билан қизиқдим. Ажойиб меҳнаткаш инсонлар экан. Улардан бири — Эшмурод Оқмуродов билан мусобақалашиб ишлашга қарор қилдим. Хўжаликларимизнинг шароити ҳам, етиштирган ҳосилимиз чўғи ҳам деярли бир хил. Фақат у кишида тажриба кўпроқ. Лекин беллашувимизнинг жанговар, қизиқарли бўлишига ишончим комил. Қани, сўз сизга, Эшмурод ака!

И. САПАРОВ,
Пахтакор районидаги «Самарқанд» совхози механизатори, цех партия ташкилотининг секретари.

Сўз ишга монанд бўлса

Ҳамкасбим Иса Сапаровнинг таклифини эшитиб, хурсанд бўлдим.

Чорак асрдан бери руладаман. Кичанов номли совхозда механизаторлик қилаётганимга ҳам 14 йил бўлди. Акам Эшқул Оқмуродов етакчилик қилаётган бригадада ишлайман. Коллектив, онла пудрати асосида ишлашга республикада биринчилар қатори ўтганмиз.

Кўпчилик ўтган йилги муваффақиятсизликларимиз сабабини (совхозда пахта плани бажарилмади) ўзгача шубҳа билан сўрашади. Яширадиган жойи йўқ. Асосан мутахассислар айбдор. Ғўзанинг қалинлигига, бўйига маҳлиё бўлишиб ҳосилнинг бир қисмини нобуд қилишди. Ўтган йилнинг шу даврида район бўйича ҳар туп ғўзада ўртача 4-5 тадан кўсак бор эди. Ҳозир очилиб, теримга тайёр бўлган чаноқларнинг сони 7-8 тани ташкил этади. Совхозимиз кўрсаткичи эса бундан ҳам яхши. Айтмоқчиманки, район далаларида йиллик план миқдорида ҳосил тўпланган. Гап уни қисқа фурсатларда нобуд қилмасдан териб олишда.

Совхозимизда теримни соз ўтказиш учун барча чора-тадбирлар кўриб қўйилган. Далаларда 100 та пахта териш машинаси унумли ишлатилади. Кўрак териш машиналаридан ҳам самарали фойдаланмоқчимиз. 1987 йилда агрегатларда 6 минг тонна пахта терилган бўлса, **бу йил 9 минг тонна ҳосилни машиналар бункеридан тўкишга аҳд қилганмиз. Менинг ўзим 130 тонна пахта термоқчи эдим. Сизнинг мурожаатингиздан руҳланиб, бу кўрсаткични 150 тоннага етказишга қарор қилдим. Сизга ҳам шу рақамни тавсия этаман.** Зеро, бу йил районимиз механизаторлари учун ўз шижоатларини кўрсатишга барча имкониятлар бор.

Шу ўринда дўстим Исабек, Сизга, қолаверса, барча механизаторларга теримчоғида нималарга алоҳида эътибор бериш лозимлиги ҳақида маслаҳат бермоқчи эдим. Аввало, пахта териш машиналари буриладиган майдонларнинг қандай тайёрланганлигини яна бир бор кўздан кечириш лозим. Тажрибадан маълумки, терим чоғида бузилаётган машиналарнинг 50—60 проценти ҳудди шу майдонлар «ҳиссасига» тўғри келади. Ўқариқларни текислаш ҳам кўп ҳолларда сифатсиз бажарилади. Бундай носоз йўлдан қайта-қайта бориб-келавергач, машина механизмлари тез ишдан чиқади. Шунинг учун ҳам ҳар бир майдонни қабул қилишда звено бошлиғи ёки бригада етакчиси, албатта иштирок этсин.

Маълумки, ремонт устахоналарида капитал ва жорий ремонтдан чиқарилган агрегатлар ҳар доим ҳам самарали ишлайвермайди.

Сўнгги сўзим минг-минг сўмлаб сарфланган машиналардан унумли фойдаланиш — ҳар биримизнинг бурчимиз. **Ўтган йили районимиздаги ўнлаб механизаторларнинг мавсум давомида 5—13 тоннадан пахта терганлиги каби фактлар билан келишиб бўлмайди. Бундай механизаторлар афсуски, сизнинг совхозингизда ҳам бор. Мамлакатимизда қайта қуриш жараёни қизғин паллага кирган даврда қолоқликка йўл қўйиб бўладими?**

Кеча теримнинг дастлабки кунлариданоқ эришган муваффақиятларингизни эшитиб қувондим. Омад тилайман, Сизга. Аммо мусобақада ён бериш одатим йўқ!

Э. ОҚМУРОДОВ,
Шу райондаги Кичанов номли совхоз механизатори.



СУРЪАТ ОШМОҚДА

Учқўрғон районидаги «Партия XXIV съезди» колхозининг пахтакорлари терим суръатини тобора оширмоқдалар. Айниқса, Колхозчиларнинг Бутуниттифоқ IV съезди делегати Жўрамирза Холматов бошлиқ бригада далаларида бу иш уюшқоқлик билан давом эттирилмоқда. Коллектив бу йил 139 гектар майдонда деҳқончилик қилиб, мўл ҳосил етиштирди.

Пешқадам бригада деҳқонлари бу йил давлатга пландаги 459 тонна ўрнига 500 тонна пахта етказиб беришга аҳд қилишган. Ҳар гектар майдондан 36 центнердан хирмон кўтарилади.

Коллективда пешқадам теримчилар сони кўпайиб бормоқда. Ў. Қўчқорова ана шундай чеварлардан биридир. Унинг нияти — мавсумда 10 тоннадан ортиқ пахта териш. Унинг ҳозиргача терган пахтаси 4 тоннадан ошиб кетди. Суратда: Ў. Қўчқорова.

Б. Холмирзаев фотоси.

«ОҚ ОЛТИН» ХИРМОНИГА

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 24 сентябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Областлар	Бир кунда	Мавсум бошидан	Шу жумладан машинада терилгани: Бир кунда	Мавсум бошидан
Хоразм	3,23	48,91	2,51	22,48
Қашқадарё	2,67	32,60	2,65	22,45
Фарғона	2,21	26,66	1,12	3,91
Андижон	1,65	25,58	0,79	3,59
Наманган	2,33	23,42	1,91	6,62
Сурхондарё	2,30	21,37	3,13	14,75
ҚҚАССР	2,42	21,03	2,45	14,24
Бухоро	2,03	18,23	0,89	3,12
Тошкент	2,43	14,55	2,51	7,21
Самарқанд	1,02	6,78	0,32	1,23
Сирдарё	1,08	6,14	1,10	4,42
Республика бўйича:	2,02	21,07	1,68	8,95
Шу жумладан нигичка толали пахта:				
Наманган	2,14	37,82	—	—
Сурхондарё	2,52	22,66	4,98	19,98
Қашқадарё	1,88	15,01	2,56	9,57
Самарқанд	1,84	13,75	—	—
Бухоро	0,37	2,53	—	—
Республика бўйича:	2,21	19,48	3,92	15,49

ДЕФОЛИАЦИЯ ҚАНДАЙ БОРМОҚДА?

Республикада ғўза дефолиациясининг бориши тўғрисида 24 сентябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Топшириққа нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — областлар, иккинчи устун — бир кунда, учинчи устун — мавсум бошидан буён

Қашқадарё	3,1	136,0
Сирдарё	3,5	124,0
Тошкент	2,0	114,9
Наманган	3,4	114,1
Сурхондарё	3,8	113,4
Бухоро	7,2	93,4
Қорақалпоғистон АССР	3,7	91,6
Хоразм	3,6	91,5
Самарқанд	9,1	81,9
Андижон	4,0	75,5
Фарғона	9,1	71,2
Республика бўйича:	4,6	104,6

Танишинг:

ТЕРИМ ИЛҒОРЛАРИ

◆ **Бекобод районидаги Ойбек номли совхознинг Очагул Қурбонова бошлиқ бригадаси механизатори Холмат Қурбонов хирмонга ўз агрегати билан муносиб улуш қўшмоқда. У ҳар куни «зангори кема» бункеридан 8-9 тоннадан пахта тўкаётир.**

◆ **Денов районидаги «Ҳазорбоғ» совхозининг «зангори кема» капитани Тоштемир Шаймуродов хўжалик хирмонига кунига 8-10 тоннадан дурдона қўшмоқда. У мавсумда 150 тонна «оқ олтин» териб беришга аҳд қилган. Унинг мусобақадошн Бозорбой Ҳайдаров ҳам дастлабки кунларда хирмонга 5-6 тоннадан пахта тўкаётган эди. Айни пайтда суръатни ошириб, бу кўрсаткични 10 тоннадан оширяпти.**

◆ **Пастдарғом районидаги Карл Маркс номли колхознинг илғор теримчилари — Қ. Ҳазратова, П. Болиева, Қ. Мамашова ва Г. Чўлиевалар кўпмингкилограммчилар мусобақасининг 10 кунлик якунларига кўра ғолиб деб топилдилар. Айни пайтда улар 120-140 килограммдан дурдона термоқдалар. Чеварларнинг нияти — мавсум охиригача 8 тоннадан пахта териш.**

◆ **Хўжаобод районидаги «Ленинград» колхозида терим суръати тобора ортиб бормоқда. Бунда илғор теримчиларнинг ҳиссаси катта. Айниқса, Ёқутхон Ўсаралиева билан Шаҳзода Тожибоева сингари кўпмингкилограммчилар кунига 130-140 килограммдан пахта териб, кўпчиликка ибрат бўлишаётир. Улар мавсумда 10 тоннадан «оқ олтин» териб беришга ваъда беришган.**

КПСС Марказий Комитетида учрашув

23 сентябрь куни КПСС Марказий Комитетида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев оммавий ахборот воситалари, идеология муассасалари ва ижодий союзларнинг раҳбарлари билан учрашди. Қайта қуришнинг ҳозирги босқичида матбуотнинг вазифалари муҳокама қилинди.

Учрашувда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари А. Н. Яковлев қатнашди.

(ТАСС).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

СССР Олий Советини чақириш тўғрисида

СССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади:**

Ўн биринчи чақириқ Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Советининг ўнинчи сессияси 1988 йил 27 октябрь куни Москва шаҳрида чақирилсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. ГРОМИКО.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.

Москва, Кремль, 1988 йил 23 сентябрь.

* * *

СССР Олий Совети Президиуми ўн биринчи чақириқ СССР Олий Советининг ўнинчи сессияси муҳокамасига қуйидаги масалаларни киритиш назарда тутилаётганини маълум қилади:

1. СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1989 йилги давлат плани тўғрисида ҳамда СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1988 йилги давлат плани қандай бажарилаётгани ҳақида.

2. СССРнинг 1989 йилги Давлат бюджети тўғрисида ва СССРнинг 1987 йилги Давлат бюджетининг ижроси ҳақида.

3. СССР Олий Советң Президиумининг Фармонларини тасдиқлаш тўғрисида.

СССР Олий Совети Президиумининг мажлиси

23 сентябрь куни Кремлда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. А. Громико раислигида СССР Олий Совети Президиумининг мажлиси бўлди.

СССР Олий Советининг навбатдаги ўнинчи сессиясини чақириш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Сессияни чақириш тўғрисидаги Фармон ва сессия муҳокамасига қўйиладиган масалалар ҳақидаги ахборот матбуотда эълон қилинади.

СССР Олий Совети Президиуми Ворошиловград область халқ депутатлари Советларининг демократиялаш ва ошкоралик шароитида гражданларнинг мурожаатлари билан ишлаши тўғрисидаги масалани муҳокама этди. Халқ депутатлари Ворошиловград область Совети ижроия комитетининг раиси А. В. Касьяновнинг доклади тингланди. СССР Олий Совети Миллатлар Совети Қонун лойиҳаларини тайёрлаш комиссиясининг аъзоси, Молдавия касаба союзлари республика Советининг раиси Г. И. Еремей жойнинг ўзида ишларнинг аҳволи билан танишиб чиққан депутатлар номидан ахборот берди.

Ушбу масала юзасидан қабул этилган қарор матбуотда эълон қилинади.

СССР Олий Совети Президиуми 1989 йилнинг мартигача бўлган даврда СССР Олий Советида амалга ошириш мўлжалланган асосий тадбирлар планини муҳокама қилиб, маъқуллади.

Давлат турмушига доир бошқа баъзи масалалар ҳам кўриб чиқилди. Кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилишда Л. Н. Зайков, Ю. Ф. Соловьев ўртоқлар қатнашдилар.

(ТАСС).

Ўзбекистон ССР Министрлар Советида

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Президиумининг 22 сентябрь куни бўлиб ўтган навбатдаги мажлисида ижрони контрол қилиш тариқасида республика бир қанча министрликлари ва идораларининг ҳисоботлари тинглади. Ўзбекистон ССРнинг агросаноат комплексида табиий-иқтисодий потенциалдан фойдаланиш тўғрисида раҳбар органларнинг қарорлари асосида суғориладиган ерларни мелиоратив жиҳатдан яхшилаш соҳасида Ўзбекистон ССР Сув хўжалиги қурилиши давлат комитети, шунингдек Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети бўлинмаларининг ҳамда Ўрта Осиё ирригация илмий-тадқиқот институти илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг иши кўриб чиқилди. Э. Т. Турсунов, В. А. Антонов, В. А. Духовний ўртоқлар шу масала юзасидан доклад қилдилар.

Муҳокама чоғида шу нарса уқтириб ўтилдики, ҳозир сув хўжалиги қурилишига ажратилаётган капитал маблағнинг 70 процентдан кўпроғи суғорма ерларни комплекс реконструкция қилишга сарфланмоқда. Мелиоратив жиҳатдан қониқарсиз ерларнинг майдони 1986 йилга нисбатан 113 минг гектар камайтирилди, 34 минг гектар ер фойдаланишга топширилди.

Шу билан бирга бу ишда ҳали туб бурилиш рўй бергани йўқ. Ҳозирги вақтда суғорма ерларнинг ярмини турли даражалсда шўр босган, шуларнинг ярмидан кўпроғида комплекс реконструкция ишларини ўтказиш талаб этилади, зовур қазиладиган умумий майдоннинг атиги учдан бир қисмида зовурнинг илғор турлари жорий этилган. Жами каналларнинг 70 процентдан кўпроғида сувнинг шимилиб кетишига қарши қоплама йўқ, сувнинг 30 процентдан кўпроғи суғориладиган далага етиб бормайди. Сувни тежайдиган технологиялар ва янги суғориш техникаси етарлича акс эттирилмайдиган лойиҳалар қўлланилишига йўл қўйилмоқда. Шу пайтгача республикада экинларнинг сув истеъмол қилишдаги илмий асосланган нормалари йўқ.

Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитетининг бўлинмаларида сувни тежашга муаммосини ҳал қилишда жиддий камчиликлар бор. Ўтган йили мазкур бўлинмалар салкам 32 минг гектар майдондаги тегишли чора-тадбирларнинг бажарилишини таъминламадилар. Ерларни реконструкциялаш ҳажмларини оширишда ва бу ишларни сифатли бажаришда сезиларли силжишлар йўқ. Одатда бу нарса етарлича самара бермайдиган энг оддий иш турларини бажаришдангина иборат бўлиб қолмоқда. Республика сув хўжалигида фан-техника тараққиётини ривожлантириш ишида етакчи ташкилот бўлмиш Ўрта Осиё ирригация илмий-тадқиқот институтининг илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси машина ва механизмларнинг, ер устидан суғоришни механизациялаш воситаларининг тажриба-саноат намуналарини яратишда ҳозирча ўзининг раҳбарлик ролини таъминламаяпти. Ишлаб чиқарилаётган моделлар жуда қиммат бўлиб, уларнинг техникавий нуқсонлари ва конструкциясида камчиликлар бор, натижада кўпгина хўжаликлар уларни сотиб олиш ва жорий этишдан воз кечмоқдалар.

Президиум Ўзбекистон ССР Сув хўжалиги қурилиши давлат комитети (ўртоқ Турсунов), республика Давлат агросаноат комитети (ўртоқ Антонов), Ўрта Осиё ирригация илмий-тадқиқот институтининг илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси (ўртоқ Духовний) зиммасига кўрсатиб ўтилган камчиликларни бартараф этиш, республика ҳукуматининг Ўзбекистон ССР агросаноат комплекси табиий-иқтисодий потенциалидан самарали фойдаланиш тўғрисидаги тегишли қарори билан тасдиқланган тадбирларнинг сўзсиз бажарилиши чораларини кўриш мажбуриятини юклади.

Мажлисда Ўзбекистон ССР Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлиги, Ўзбекистон ССР Алоқа министрлиги, Ўзбекистон ССР Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министрлиги, Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги ва Ўзбекистон ССР Дон маҳсулотлари министрлиги коллегияларининг марказий аппарат кадрлар хизматларининг, ўзларига бўйсунувчи бирлашмалар ҳамда корхоналарнинг халқ хўжалиги тармоқларини юқори малакали ишчи ва мутахассислар билан таъминлашдаги роли ва масъулиятини ошириш борасидаги фаолиятини ўрганиш якунлари кўриб чиқилди. Кўрилаётган чора-тадбирлар натижасида мазкур министрликларда кейинги вақтларда хизматларнинг сифат состави бирмунча яхшиланганлиги, уларда олий маълумотли ходимлар кўпайганлиги, шу бўлинмалар ходимлари ва раҳбарларининг учдан бир қисмидан кўпроғи махсус курсларда ўқиб чиққанлиги қайд этиб ўтилди.

Шу билан бирга муҳокама чоғида таъкидланганидек, эришилган натижалар коллегиал органлар фаолиятининг мана шу муҳим соҳасида ҳозирча мавжуд бўлган жиддий камчиликларни панада қолдирмаслиги керак. Жумладан, шундай фактлар келтирилди: Соғлиқни сақлаш министрлиги кадрлар хизматлари ходимларининг атиги 3,4 фоизи олий маълумотга эга, 64 фоиздан кўпроғи эса амалиётчилардир. Республика аҳолисига маиший хизмат кўрсатиш соҳасида кадрлар бўлинмаларида ишловчи мутахассисларнинг составида аввалгидек ҳозир ҳам 40 процентга яқини педагоглар, агрономлар, зоотехниклар ва журналистлардир. Республика дон маҳсулотлари министрлиги умуман мутахассислар билан етарлича таъминланган бўлишига қарамай, ундаги раҳбарлик ва инженерлик лавозимларининг ярми мутахассислар билан таъминланмаган, айни вақтда эса бу ерда олий маълумотга эга бўлган 435 киши оддий ишчи бўлиб меҳнат қилмоқда.

Ишчи ва мутахассисларни тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш суст олиб борилмоқда. Ўзбекистон ССР Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министрлиги корхоналарида кийимкечак, пойабзал тикувчи мастерлар, бичиқчилар, соғлиқни сақлаш ташкилотларида даволовчи-врачлар, педиатрлар, стоматологлар малакатнинг пешқадам корхоналарида стажировкадан ўтишлари ҳисобига системаларни кадрлар билан таъминлашни яхшилаш учун бериб қўйилган имкониятлардан етарлича фойдаланмаяптилар.

Президиум министрлардан Баҳромов, Бугров, Муталов, Нўъмонов, Раҳимов ўртоқларнинг зиммасига мавжуд камчиликларни бартараф этиш, кадрлар хизматларининг ишини яхшилаш, уларни билимдон ва ташаббускор, иқтисодий бошқариш методлари рўёбга чиқарилишини амалда таъминлашга қодир бўлган ходимлар билан мустаҳкамлаш борасида конкрет чоралар кўриш мажбуриятини юклади.

Мажлисда Ўзбекистон ССР Меҳнат ва социал таъминот давлат комитети, Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлиги, Ўзбекистон ССР Савдо министрлигини бошқаришнинг бош схемалари, бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилиб, улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

РУМИНИЯ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ БОШ СЕКРЕТАРИ, РУМИНИЯ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ Н. ЧАУШЕСКУНИНГ СССРГА ҚИЛАДИГАН РАСМИЙ ДЎСТЛИК ВИЗИТИ ТЎҒРИСИДА

Руминия Коммунистик партиясининг Бош секретари, Руминия Социалистик Республикасининг президенти Н. Чаушеску КПСС Марказий Комитети ва СССР Олий Совети Президиумининг таклифига биноан 1988 йил октябрь ойининг биринчи ўн кунлигида расмий дўстлик визити билан Совет Иттифоқига келади.

XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси қарорлари—ҳаётга!

СИЁСИЙ СИСТЕМА ИСЛОҲОТИ:

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲАР ТОМОНЛАМА ТАЪМИНЛАШ, СОВЕТ КИШИЛАРИНИНГ СОЦИАЛ АКТИВЛИГИНИ ОШИРИШ

Ҳ. А. АЛИМОВА, УЗСОВПРОФ раиси

Одамлар тўғрисида, уларнинг бахт-саодати ҳақида ғамхўрлик қилиш Совет давлатининг олий мақсадидир. Бу соҳада энг аввало, меҳнат шароитини яхшилаш, халқ маорифи ва соғлиқни сақлаш сифатини, меҳнаткашларнинг социал таъминоти даражасини ошириш қаби муаммоларни ҳал қилиш муҳимдир. Шу билан бирга совет кишиларининг тенг ҳуқуқлилигини, уларнинг социал жиҳатдан муҳофаза қилинишини таъминлаш ҳамда мамлакат ишларини бошқаришга меҳнаткашларни кенг жалб этиш тўғрисидаги партиянинг қатъий йўл-йўриқларини бажариш зарур.

Бу долзарб муаммоларни ҳал этишда касаба союзлари муҳим роль ўйнайди.

Касаба союз ходимлари ва активлари меҳнаткашларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш учун ҳуқуқий воситалардан дадилроқ ва қатъийроқ фойдаланишлари жуда муҳимдир. Бундай қилиш учун зарурат мавжуд. Чунки демократия ривожлантирилаётган, бошқарувнинг кўпгина вазифалари жойлардаги органларга топширилган бўлса ҳам, корхоналарда, муассасаларда, ташкилотларда маъмуриятчилик, «мажбуран» планлаштириш, меҳнат коллективларининг фикрини ҳисобга олмаслик, ижтимоий ўз-ўзини бошқариш органларини менсимаслик давом этмоқда.

Одамлар билан яккама-якка иш олиб боришни кучайтириш учун ҳам зарурат бор, айрим касаба союз ходимлари бу ишни унутиб қўймоқдалар. В. И. Лениннинг: «Омма билан алоқа... касаба союзларининг ҳар қандай фаолияти муваффақиятининг энг муҳим, энг асосий шартидир» деган гапларини унутмаслигимиз лозим.

Касаба союзлари меҳнаткашларнинг манфаатларини ҳимоя қилиб, ҳар бир ходимда топширилган иш учун масъулият туйғусини, ўзига юксак даражада талабчан бўлиш, ишга ижодий муносабатда бўлишни тарбиялаш тўғрисида жон куйдиришлари зарур. Социалистик мусобақа, меҳнатда беллашиш бу масалаларда синалган ёрдамчидир.

Ҳозир мусобақанинг мақсадга мувофиқлиги хусусида билдирилаётган шубҳаларни эшитиш мумкин. Хўжалик юритишнинг янги шароитида мусобақанинг кераги йўқ, деган қатъий фикрлар ҳам бор. Бу мутлақо нотўғридир. Мусобақани рад этиш эмас, балки унинг дастлабки моҳиятини тиклаш керак. Унинг моҳияти халқнинг жонли ижоди ва ташаббускорлиги билан тўла эди.

Бу биринчи вазифа. Иккинчиси — мусобақа иштирокчиларининг эътиборини туб иқтисодий ислоҳотни амалга ошириш, хўжалик ҳисоби ва ўзини-ўзи пул билан таъминлашга ўтиш шароитларидан келиб чиқадиган энг асосий вазифаларни ҳал этишга қаратишдан иборат.

Барча корхоналар, хўжаликлар учун мусобақани ташкил этиш юзасидан бир хил йўл-йўриқ бериш қийин. Уларнинг ҳар бири ўзининг йўлини ўзи белгилаб олиши лозим, чунки мусобақа шартларини ишлаб чиқиш ва унинг якунларини чиқариш да ҳозир уларга тўла мустақиллик бериб қўйилган. Аммо умумий тенденциялар бор: масалан, юксак сифат учун мусобақалашиш ҳамма учун ҳам муҳимдир. Планни шунчаки бажариш эмас, балки истеъмолчига маъқул бўладиган маҳсулот етказиб бериш керак.

Илгари бўлганидек, мусобақани айрим шаклларга парчалаб юбориш ярамайди: сифат учун алоҳида мусобақа, планни муддатидан олдин бажариш учун яна бошқа «муносиб кутиб олиш учун» яна бир мусобақа бўлиши мумкин эмас. Уни пировард натижага қаратиш муҳимдир.

Сурхондарё область Олтинсой районидаги «Ленинград» колхозининг касаба союз комитети социалистик мусобақани ташкил этишга тўғри ёндашди. Бу ерда зарур нормативларни тайёрлашди, фермаларда, пахтачилик ва боғдорчилик бригадаларида социалистик мусобақа якунини чиқариш қоидаларини ишлаб чиқишди. План коэффициентлари қўшма жадвали тузилди, бу жадвалга қараб планнинг бажарилиши, меҳнат сифати ва унумдорлиги, ходимларнинг механизмлар билан таъминланиш даражаси, меҳнат интизоми, рационализаторлик ишлари каби кўрсаткичларни қиёслаш мумкин бўлади. Ижодий беллашув ишни ўнглаб олишга, одамларни унумли меҳнат қилишга отлантиришга ёрдам берганлигига хўжаликда ҳеч ким шубҳа қилмайди. Бу ерда яқин вақтларгача кўпгина кўрсаткичлар бўйича план бажарилмай келар эди, эндиликда эса колхоз илғорлар қаторига чиқиб олди. 1987 йил якунларига кўра, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришдаги юксак кўрсаткичлари учун колхоз Халқ хўжалик ютуқлари виставкасининг фахрий дипломи билан мукофотланди.

Кўпгина корхоналарда социалистик мусобақа қайта ташкил этилди. Унинг турлари ва формалари қисқартирилди ва тартибга солинди, маънавий омилларнинг аҳамияти оширилди, ошкоралик яхшиланди. Мусобақанинг янги жиҳатлари ҳам пайдо бўлмоқда. Чунончи, мусобақа ғолиби деб топилган коллективларда илғор тажрибани намойиш этиш, қолоқ корхоналарда эса бу тажрибани жорий этиш кўрсатилмоқда. Буни қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхоналари мисолида кўриш мумкин.

Бироқ олға бориш, мусобақанинг истиқболда қандай бўлишини кўра олиш керак. Келгусида эса корхоналар ўз маҳсулотларининг истеъмолчилари учун мусобақалашадилар, шундай қилиб, иқтисодий мусобақани ривожлантирадилар, деб ўйлаймиз. Майдонга бозор кириб келмоқда. Ҳозирнинг ўзидаёқ айрим корхоналар истеъмолчилар учун мусобақалашмоқдалар. Чунки қолган ҳамма нарса: иш ҳақи, рағбатлантириш фондлари ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотишга боғлиқ. Бинобарин, заводларда мусобақа тобора кўпроқ ижодий беллашув тусини олмоқда ва унинг зарурлиги яққол бўлиб бормоқда.

Коллектив — ижара пудратида мусобақани ташкил этишнинг янги шартлари ишлаб чиқилмоқда. Бу ўринда пудрат фақат омилкор хўжайинни тарбиялабгина қолмай, шахс сифатида инсонни камолга етказиши, маданияти даражасини оширишга, дунёқарашини кенгайтиришга, оқилона эҳтиёжларни, одамлар ўртасида самимийликни тарбиялашга кўмаклашмоғи лозим.

Одатда мусобақа қимматли ташаббусларни вужудга келтиради, рационализаторлик ва ихтирочилик ғояларини ривожлантиради.

Мана бир мисол. «Чирчиксельмаш» заводининг пўлат қуйиш цехида илгари энг кўп меҳнат талаб қиладиган участка ҳисобланган стержен тайёрлаш жараёни механизациялаштирилди. Бу эса «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси инженерлари ва ишчиларининг куч-ғайрати натижасидир. Шу туфайли меҳнат унумдорлиги ошди, қуйилма сифати ва аниқлиги яхшиланди, қуритиш ускуналари ва 13 ишчи бу оғир меҳнатдан қутқарилиб, бошқа ишга ўтказилди. Йиллик иқтисодий самара 43 минг сўмни ташкил этди. Лекин энг муҳими шундаки, меҳнатнинг яхши санитария-гигена шароитлари таъминланмоқда.

Қайта қуриш «инженерлик торларини» ҳам тебратганлиги қувончлидир: қайта қуриш инженерларга ўз корхонасига фойда келтириш, социал жиҳатдан актив бўлиш эҳтиёжини уйғотмоқда. Ўзбекистон металлургия заводи мутахассисларини мақтаса арзийди. Корхона ўз ишини қайта қуриб, хўжалик ҳисобига ўтаётганини улар шунчаки кузатиб турганлари йўқ. Етакчи мутахассислар электр пўлат эритиш цехига бориб, ўз намуналари билан, шахсан иштирок этиб, энг аввало, технология интизомини мустаҳкамлашга, машина-ускуналарнинг узлуксиз ишлашини ташкил этишга ёрдам бердилар. Партия, касаба союз ташкилотлари уларни қўллаб-қувватлади. Иш шундай ташкил этилдики, улар смена мастерлари, технологлар, электриклар, механиклар ўрнини босмадилар, балки у ёки бу жараённи қандай қилиб яхшилашни, машина-ускуналар фойдали коэффициентини ошириш, ишчилар меҳнатини енгиллатиш вазифаларини биргаликда ҳал қилдилар. Етакчи мутахассислар сменаларда бир ҳафтага яқин ишлашди. «Ақл-идрок билан қилинган ҳужум» катта самара берди. Учинчи печь графикда кўзда тутилганидан олти соат олдин ремонт қилиб бўлинди, бу эса белгиланганига қўшимча деярли 200 тонна металл олиш имконини берди. Кундалик металл жўнатиш кўпайди, кўп меҳнат сарфлаб ҳали совимаган металлни тозалаш, уни тўплашга ҳожат қолмади. Яна одамлар бюрократия тўғаноқларисиз меҳнат қилиш, мураккаб ишни аниқ ва пухта бажариш мумкинлигини ўз кўзлари билан кўрдилар.

Фарғонадан ҳам инженерлар, илғор ишчиларнинг биргаликда амалга ошираётган эзгу ишлари ҳақида хабарлар келмоқда. «1-Агропромстрой» тресети биносида фан-техника ғоялари кўргазма-ярмаркаси ишлаб турибди. Бу ерда ўнлаб экспонатларни, жумладан, чизмаларни, фотосуратларни, реклама рисолаларини кўриш мумкин. Кўргазма: бу ерга кел, ўзингни қизиқтираётган мавзуни изла, бу мавзу қандай ҳал қилинганлигини кўриб, ўзингда ҳам жорий эт, демоқда. Кўргазма-ярмаркани область партия комитети ҳузуридаги фан-техника тараққиётига кўмаклашувчи кенгаш, ихтирочилар ва рационализаторлар Бутуниттифоқ жамиятининг область кенгаши, «Прогресс» маркази, облсовпроф, СССР илмий инженерлик жамиятлари Союзининг область ташкилоти правлениеси, Фарғона фан-техника ғоялари марказини ташкил этди. Тўғри, таъсис этган ташкилотлар жуда кўп. Аммо иш — халқ хўжалиги турли тармоқлари учун инженерлик, новаторлик ғояларини бир жойга тўплаш ҳам осон эмас.

Аммо новаторлик, инженерлик ғоялари ҳамиша қўллаб-қувватланяптими? Афсуски, ҳамиша бундай эмас. Ўша Фарғонанинг ўзида пилла тортадиган такомиллаштирилган мослама кўп йиллардан буён ишлаб чиқаришга жорий этилмаяпти. Уни новатор Н .В. Федодеев ихтиро этган эди. Бу ихтирони жорий этиб, ҳар килограмм пилла ҳисобига 15—20 сўм фойда олиш мумкин. Аммо ихтирочи мурожаат қилган кишилар уни қувватламаяптилар.

Хоразм область сув хўжалиги ишлаб чиқариш бирлашмаси инженери У. К. Муҳаммадиев ихтироси ҳам кенг жорий этилмаяпти. У сувчининг оғир меҳнатини бартараф этадиган қурилмани ўйлаб топди: суғориш нормасига мувофиқ равишда зарур миқдордаги сув автомат усулда эгатларга оқизилади.

Бундай бюрократик муносабат, изланишга, новаторликка лоқайдлик билан қараш катта зарар етказмоқда — одамларнинг ижод, ихтиро қилиш, ишлаб чиқаришнинг хўжайини бўлиш иштиёқини қайтармоқда. Касаба союз ташкилотлари ихтирочилар ва рационализаторлар жамиятларининг ишларини доим эътиборда тутишлари, рационализаторларнинг меҳнатини ҳар томонлама рағбатлантириб боришлари керак.

Бундан қайта қуриш йилларида туғилган ижтимоий орган — меҳнат коллективи кенгаши ҳам манфаатдор бўлиши лозим. Бу кенгаш касаба союз комитети билан биргаликда меҳнат кишиси ҳуқуқларини таъминлаш, унинг социал активлигини ошириш юзасидан бевосита иш олиб бориши лозим.

Ҳозир меҳнат коллективи кенгашлари билан касаба союз коллективлари фаслияти бир-бирини такрорлаётганлиги ҳақида кўп гап бўлмоқда. Ҳолбуки, Наманган машинасозлик заводида, Самарқанддаги «Электробитмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасида мазкур органларнинг иш практикаси улар демократияни ривожлантиришга, ишлаб чиқаришнинг энг муҳим масалаларини ҳал қилиш учун меҳнаткашларни жалб этишга яхши таъсир ўтказаётганликларини кўрсатиб турибди.

Бу ерда меҳнат коллективи кенгаши билан касаба союз комитетининг иши бир-бирига қандай туташиб кетаётгани ҳақида мулоҳаза қилиб ўтирмай, балки ишлаб чиқаришни бошқаришда демократия асосларини ривожлантириш, меҳнаткашларнинг ҳуқуқларини муҳофаза этиш учун имкониятлардан тўла фойдаланиб ҳаракат қилмоқдалар. Бу эса касаба союз ташкилотларининг энг муҳим ишидир.

Сўнгги йилларда касаба союзлари ишчиларнинг меҳнатини муҳофаза қилишга совуққонлик билан қараётган ўнлаб хўжалик раҳбарига ишончсизлик билдирди, одамларнинг меҳнат қилиши хавфли бўлиб қолган участкалар, цехлар ёпиб қўйилмоқда.

СССР Давлат агросаноат комитетига қарашли «Ремдеталь» Бутуниттифоқ илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг Наманган тажриба заводида меҳнатни муҳофаза қилишнинг аҳволини ўрганиш чоғида техника инспекторлари қоидаларнинг қўпол равишда бузилиши ҳолларини аниқладилар: цехларда ифлос ҳавони сўриб оладиган вентиляция ўрнатилмаган, бунинг оқибатида одамлар чанг ва тутун орасида ишламоқдалар. Узеллар ва деталлар дуч келган жойга уйиб ташланаверади, металл конструкцияларни пайвандлаш технология операциялари қоидани қўпол равишда бузиб ўтказилмоқда, шикастланиш хавфи бўлган жойлар ҳатто ўраб қўйилмаган, ёнғинни ўчириш масаласи ҳам ҳал қилинмаган. Маҳсулот кран ишлаб чиқаришда тағин ҳам қўполроқ хатоларга йўл қўйилмоқда: узеллар сифатсиз пайвандланяпти, уларнинг устки қисми текисланмай, бўяб юборилмоқда. Бу эса механизмнинг эксплуатация имкониятларини камайтиради. Ҳозирнинг ўзидаёқ ана шу кранларни ишлатиш чоғида авариялар бўлганлиги ҳақида сигналлар олинди. Меҳнат техник инспекциясининг, Ўзбекистон ССР Стандартлар давлат комитетининг йўл-йўриқлари инобатга олинмади, шу сабабли қайта текшириш ўтказиш чоғида барча камчиликлар тугатилмагунига қадар тайёр маҳсулотни қабул қилиб олишни дарҳол тўхтатиш тавсия қилинди.

Корхонани тўхтатиб қўйиш — жиддий иш, бундан энг аввало, коллективнинг ўзи зарар кўради. Демак, бу ҳақда ўйлаб кўриш керак. Давлат агросаноат комитети, облсовпроф ҳамда катта ҳуқуқларга эга бўлган бошқа ташкилотларнинг вакиллари бу ерга бир эмас, бир неча марта келишди, лекин ишни ўнглашга ёрдам беришолмади. Заводда тартиб ўрнатиш учун катта сарф-харажатга ҳожат йўқ. Асосан, ҳар бир ходимнинг ишлаб чиқариш соҳасидаги ўз иши учун, ўз меҳнати учун тегишли масъулиятни сезиши зарур. Меҳнат коллективи кенгаши, касаба союз комитети ва уларнинг активлари меҳнат интизомини мустаҳкамлашни, ҳар ишда тартиб ўрнатишни, коллективда ўзини ўзи бошқаришни ривожлантиришни, социал жиҳатдан актив гражданларни тарбиялашни талаб қилишга ҳақлидирлар.

XIX Бутуниттифоқ партия конференциясида касаба союз ташкилотлари ўз-ўзини бошқариш асосларини кучайтиришнинг актив тарафдорлари бўлишлари, меҳнаткаш инсоннинг демократик ҳуқуқларини ҳимоя қилишлари кераклиги таъкидланди.

Совет кишиларининг ҳуқуқлари ва эркинликлари уларнинг гражданлик бурчлари билан, қонунларни ҳамма сўзсиз ҳурмат қилиши билан чамбарчас боғлиқдир. Социалистик демократия ўзбошимчалик билан ҳам, масъулиятсизлик билан ҳам чиқиша олмайди.

Республика касаба союзлари социал адолат принципларини изчиллик билан амалга ошириш орқали совет қонунлари аниқ бажарилишини таъминлаган ҳолда меҳнаткашларнинг моддий-маиший ва маънавий эҳтиёжларини қондиришга кўмаклашмоқдалар.

Бироқ касаба союзларининг кўпгина ташкилотларида, кенгашларида ва тармоқ комитетларида кучли социал сиёсатни жорий этиш, халқ фаровонлигининг энг муҳим муаммоларини ҳал қилишни жадаллаштириш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ишларини қатъий кучайтириш тўғрисидаги гапдан нарига ўтганлари йўқ. Меҳнаткашларга расмиятчилик ва лоқайдлик билан муносабатда бўлиш фактлари ҳали ҳам учраётганлигини фақат шу билан изоҳлаш мумкин.

Қашқадарё, Сурхондарё, Бухоро, Самарқанд областлари касаба союз ташкилотлари ишида камчиликлар кўп. Бу областлар корхоналарида меҳнаткашларни ғайриқонуний йўл билан ишдан бўшатиш ҳоллари тез-тез содир бўлмоқда.

Масалан, Бухоро область агросаноат комитети моддий-техника таъминоти ва Вобкент район ремонт-ишлаб чиқариш корхонаси касаба союз комитети (раиси С. Омонов) маъмуриятнинг измидан чиқмай, фаррош М. Очиловани ишдан бўшатишга рухсат берди. Агросаноат комплекси ходимлари касаба союзи Бухоро область комитетининг раиси Р. Ҳ. Ҳасанов аризани кўриб чиқиш чоғида эри Чернобиль атом электростанциясини тиклашда қатнашаётган, балоғатга етмаган икки фарзанди бўлган онани бўшатиш чоғида меҳнат қонунлари бузилганлигига эътибор бермади ва уни ўз иш жойига тиклаш тўғрисидаги илтимосини рад этди. Фақат Узсовпроф аралашгандан кейингина Марзия Очилованинг меҳнат ҳуқуқи тикланди.

Самарқанддаги «Ҳужум» фабрикаси директори Р. И. Полодухинанинг пенсия ёшига етган ходимларни ишдан бўшатиш масаласига муносабати маъмуриятнинг лоқайдлиги ва касаба союз ташкилотининг масъулиятсизлигига мисол бўла олади. Тўқимачилик ва енгил саноат ишчилари касаба союзи Самарқанд область комитети (раиси Л. М. Рашчупкина)нинг принципсизлиги натижасида пенсия ёшига етган беш нафар ходим уларнинг меҳнатга муносабати эътиборга олинмай, қонунга хилоф равишда ишдан бўшатилди. Улардан ариза тушгач, облсовпроф талаб қилгандан кейингина улар ўз иш жойига қўйилди.

Сурхондарё область «Туполонгидрострой» бошқармаси реализация бўлимининг катта инженери О. А. Абдураҳмонов касаба союз комитетининг розилигисиз ишдан бўшатилди. Бунда Сурхондарё область касаба союз комитети принципсизлик қилди. Бу мутахассисни Узсовпроф ўз иш жойига қўйди.

Давлат муассасалари ходимлари касаба союзи Жиззах область комитети ва республика комитети Жиззах область омонат банки бошқармаси бошлиғи А. К. Қобилов Ф. Ш. Мамина ҳомиладорлиги вақтида уни бухгалтер лавозимидан бўшатиб, қонунни бузишининг ўз вақтида олдини олмадилар. Узсофпроф аралашгандан кейингина у ўз лавозимига тикланди ва мажбуран прогул қилган даври учун ҳақ тўланди. Жиззах шаҳар омонат кассасининг мудири ўртоқ Мамедова эса ҳомиладорлиги вақтида ишдан бўшатилганлиги учун прокурорнинг протести билан ўз иш жойига қайтарилди. Узсовпрофнинг талаби билан СССР Давлат омонат банки республика бошқармаси Қобиловга нисбатан интизомий таъсир чорасини кўрди.

Ҳозир касаба союзларининг ҳуқуқни муҳофаза қилишга доир фаолиятини янада такомиллаштириш масаласига алоҳида эътибор берилмоқда. ВЦСПСнинг яқинда бўлиб ўтган учинчи пленумида бу масалага катта эътибор берилди.

Касаба союзлари советлари системасида ягона ҳуқуқни муҳофаза қилиш хизмати тузилган ва у тажрибали мутахассислар билан таъминланган. Касаба союзларининг меҳнат ҳуқуқий инспекцияси мустаҳкамланган.

Ўзбекистоннинг барча районларида агросаноат комплекси ходимлари ҳамда давлат муассасалари ходимлари касаба союзлари шаҳар ва район комитетлари ҳузурида штатдан ташқари 159 та юридик консультациялар ташкил этилган. Бундан ташқари республика касаба союзлари системасида ўтган йиллардагидан қарийб 1000 та кўп — 3870 та жамоатчилик асосидаги юридик консультация хоналари ишлаб турибди. 140 мингдан ортиқ меҳнаткаш касаба союз ташкилотларининг юридик ёрдамидан бепул фойдаланди. Ҳуқуқий ёрдам олганлар орасида ишчилар 36 процентни, мансабдор шахслар 35 процентни, сайлаб қўйиладиган жамоатчилик асосидаги касаба союз активлари 12 процентни ташкил этди. Ишчи ва хизматчиларни, касаба союз фаолларини, ўртоқлик судлари аъзоларини бевосита меҳнат коллективларида қабул қилишга, очиқ хатлар кунини ўтказишга катта эътибор берилмоқда. Касаба союз органлари бир ярим йил ичида 300 марта очиқ хатлар кунини ўтказдилар, уларда халқ хўжалигининг турли тармоқларидан минглаб меҳнаткашлар иштирок этишди.

Меҳнат баҳсларини муҳокама қилишда касаба союзларининг обрўси ва талабчанлиги кўтарилди. Ўтган йилни қараб чиқилган 11583 та меҳнат баҳсининг 10340 таси меҳнаткашлар фойдасига ҳал бўлди. Булардан 6 минг 99 таси меҳнатга ҳақ тўлаш юзасидан, 473 таси ўз меҳнат бурчини бажараётган чоғида соғлиғига шикаст етганлиги муносабати билан зарарни қоплаш ҳақидаги аризалар эди. Бу йил фақат Узсовпроф аппаратининг ўзи 59 та ходимнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаб берди.

Ҳозирги вақтда директив органлар меҳнат бахсларини бундан буён такомиллаштириш, ишлаётган кишиларнинг суд ва жамоатчилик орқали ҳимоя қилиш ҳуқуқларини юксалтириш юзасидан меҳнат қонунларини яхшилаш тўғрисида касаба союзлари таклифларини қараб чиқмоқда. КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг 1987 йил 22 декабридаги аҳолини самарали равишда иш билан таъминлаш, ишга жойлаштириш системасини такомиллаштириш ва меҳнаткашлар учун социал гарантияларни кучайтириш ҳақидаги қарори кенг кўламда тушунтирилмоқда, уни тўғри қўлланиши устидан назорат қилинмоқда.

Ходимлар сонининг қисқартирилиши, уларни ишга жойлаштириш, иш билан самарали бандликни таъминлаш зарурлиги муносабати билан меҳнаткашларнинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг янги, муҳим йўналиши пайдо бўлди. Ўзбекистон ССР Меҳнат ва социал таъминот давлат комитети билан биргаликда ходимлар сони ва штатлар қисқартирилиши туфайли бўшаб қолаётган кишиларни ишга жойлаштиришга кўмаклашувчи ишчи комиссияси тузилди.

Касаба союзлари барча советларида қабулхоналар ташкил этилди. Бу эса меҳнаткашларга катта йўл очиб берди, гражданларнинг қонуний ҳуқуқларини камситишга қаратилган ҳар қандай урунишларнинг пайини қирқиш юзасидан олиб борилаётган ишларни жадаллаштирди. Одамларни шахсий масалалар юзасидан қабул қилиш графиги қайта кўриб чиқилди, одамларни шанба куни қабул қилиш соатлари белгилаб қўйилди.

Касаба союзлари, уларнинг раҳбарлари меҳнаткашлар орасида бўлишга, улар кайфиятини билишга, тўқнашувлардан ўзини олиб қочмасликка, уларни оқилона бартараф этишга, юксак даражада принципиаллик кўрсатишга, меҳнаткашларнинг қонуний манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишни қатъий равишда ўз зиммаларига олишга даъват этилганлар. Касаба союзларининг ҳар бир ходим, меҳнат коллективи манфаатларини ҳар бир конкрет ҳолда ҳимоя қилишлари учун етарли даражада имкониятлари бор. Бу имкониятлар ҳозирги вақтда лойиҳаси тайёрланган ва муҳокамага тақдим этилган касаба союзлари ҳуқуқлари ҳақидаги қонун қабул қилинганидан сўнг янада кўпаяди. Лойиҳага касаба союзларига янги ваколатлар берадиган, яъни бошқармалар қабул қилган қарорлар меҳнат коллективларининг, касаба союзларининг ҳуқуқларини бузадиган бўлса уларни тўхтатиб қўядиган, сайлаб қўйиладиган касаба союз ходимларининг ҳуқуқий муҳофазасини кучайтирадиган янги муҳим қоидалар киритилган.

Одамларнинг маънавий дунёсини бойитмай, уларнинг ўзлигини англашига эришмай ва уларни ҳар томонлама камол топтирмай туриб, инсоннинг ҳуқуқий билимларга эга бўлишини, унинг социал активлигини оширишни тасаввур этиб бўлмайди, албатта. Бу ишда касаба союз ташкилотлари катта роль ўйнайдилар. Меҳнаткаш аёлга, ёшларга, кексаларга алоҳида ғамхўрлик қилиш керак.

Республикада хотин-қизларни ижтимоий-фойдали, завқли меҳнатга, ҳаваскорлик ижодиётига, маданий тадбирларга жалб этиш учун анча ишлар қилинмоқда. Қишлоқларда, район марказларида бу ишни олиб бориш, айниқса, мураккаб бўляпти. Бинобарин, бу ерда ҳам ажойиб ишлар — кўча байрами, биринчи чаноқ байрами, «Балли, аёллар!» конкурслари, «Уй бекаси» клубларини ташкил этишда тажриба тўпланмоқда...

Оила, рўзғор ишлари билан банд бўлиб қолган аёлларни уйларидан «олиб чиқиш» кўпинча қийин бўлади. Нурота шаҳар ижроия комитети эса жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда бу ишларни муваффақият билан амалга оширмоқда. Аёллар ўртасида энг яхши маҳалла учун ўтказилаётган «Соғлом кайфият» хотин-қизлар ижодий конкурси Нуротада катта қизиқиш уйғотмоқда. Конкурс ҳақидаги Низом хотин-қизлар ўзларини бадиий ижодиётда ҳар томонлама намоён этишларини тақозо қилади. Улар ашула айта олишлари, рақсга тушишлари, музика асбобларини чала олишлари, интермедияларни саҳнага қўйишда ўз кучларини синаб кўриш уқувига эга бўлишлари зарур. Жонли бурчак кўргазмасини ташкил этиш, ширинликлар тайёрлаш, ўзлари тўқиган гиламлар, сўзаналар, тўнларни кўрсатишлари керак. Конкурс ниҳоясида дастурхон тузашлари ҳам лозим.

Конкурснинг биринчи турида Нуротадаги 26 та маҳалладан 16 таси қатнашди. Кўпгина хотин-қизлар ўз маҳоратларини намоён этишди. Бахшилар сингари шеър тўқиб, фольклор қўшиқларини ижро этадиган Турсуной Ҳамидова, кўҳна «чанқовус» асбобини чаладиган 80 ёшли Малоҳат Эшбоева, хоразмча рақсни ижро этган Дилрабо Эшоновалар, айниқса, юртдошларини ҳайратга солишди. Конкурс якунланадиган куни шаҳар боғига бир ярим мингдан ортиқ нуроталик тўпланди. Конкурс оммавий тус олди ва у энди олимпия системаси бўйича ўтказилади — ютқазган одам конкурсдан чиқиб кетади. Лекин бу ерда мағлублар бўлмаслиги тушунарли, чунки ҳамма маҳорат ва топқирлик учун қизиқарли, мароқли мусобақада қатнашади.

Аёлларнинг сиёсий-социал активлигини оширишда хотин-қизлар кенгашлари ёрдам бермоқда. Афсуски, бу кенгашлар ҳозирча ҳаётий муҳим муаммоларни ҳал қилишда ҳамма ерда ҳам муносиб иш олиб бораётганлари йўқ. Улар чинакамига ишлаётган жойларда натижалар яққол кўриниб турибди. Чунончи, Андижон область Хўжаобод район хотин-қизлар кенгаши қизиқарли, фойдали ишларни муттасил излайди. Унинг ташаббуси билан «Келинг, очиқчасига гаплашайлик» деган ажойиб кўчма клуб ташкил этилди. Клубга хотин-қизлар кенгаши аъзоларидан ташқари, маданият, маориф ходималари, шифокорлар, қаҳрамон оналар ҳам киришган. Кўчма клуб аъзолари колхозлар, совхозлар, дала шийпонлари, фермалар, болалар боғчалари ва мактабларга борадилар. Улар социал, маданий муаммоларни ҳал этишда фаол ёрдамчиларга айландилар. Клуб «Ленинград» колхозининг марказига бориб келганидан сўнг у ерда кооператив очилди. Кооператив ҳамқишлоқлардан қатламалар, пирожкилар, тортлар, сомсалар ва бошқа кондитерлик маҳсулотларини тайёрлаб беришга буюртмалар олади. Кооператив туфайли уй бекаларининг юмуши анча камайди. Уларнинг фарзанд тарбияси учун бўш вақтлари кўпайиб қолди.

Ёш авлодларни тарбиялаш — умумий ишдир. XIX Бутуниттифоқ партия конференциясида: «Партия ёшларни қайта қуриш ишида актив ва ташаббускор куч деб билади» деган сўзлар янграган эди. Касаба союзлари ёшларни тарбиялаш, уларнинг дам олишини ташкил этиш, қизиқарли, фойдали ишларга жалб этишни планлаштирган. Ёшлар билан ишлашнинг турли формаларидан фойдаланилмоқда. Лекин, энг таъсирчани — ўсмирлар клубларидир. Советлар, комсомол ташкилотлари билан биргаликда ҳозир республиканинг барча областларида ўсмирлар клубларини ташкил этиш муаммоси ҳал қилинмоқда.

Бу иш осон кўчаётгани йўқ. Лекин клублар ташкил этилиб, улар ишлаётган ерларда ўсмирлар мароқ билан шуғулланмоқдалар. Нукусда, 3-уй-жой бошқармасидаги ўсмирлар клубида 10 та спорт секцияси, қизиқишлар бўйича 11 та тўгарак ишламоқда. Болалар учун катта бино ажратиб берилган. Улар билан тажрибали тренерлар, тўгаракларнинг раҳбарлари шуғулланишмоқда. Ҳозирдаёқ уларнинг ўз чемпионлари, чеварлари, ҳаваскор артистлари пайдо бўлди. Лекин бу тажриба автоном республикада ҳозирча етарли даражада оммалашмаяпти. Уй-жой-коммунал хўжалиги тресети ва область касаба союзлари Советининг ҳисобида турган 31 та ўсмирлар клубидан икки, учтасигина кўнгилдагидай ишлаяпти. Қолганлари эса фақат қоғоздагина мавжуд.

Мен дам олишга кетган кекса авлод ветеранларига, интернат уйларида давлат қарамоғида бўлган ёлғиз кексаларга ҳаммамиз бир бўлиб алоҳида эътибор беришимиз ҳамда ёрдам кўрсатишимиз зарур деб айтган бўлур эдим. Улар — бизнинг ор-номусимиз, бизнинг дардимиз. Шу йилнинг май ойида СССР Министрлар Совети ва ВЦСПС «Уруш ва меҳнат ветеранлари турмуш шароитларини яхшилаш юзасидан қўшимча тадбирлар тўғрисида» қарор қабул қилди. Бу қарор кўпгина муаммоларни, айниқса интернат-уйларни мустаҳкамлаш билан боғлиқ бўлган муаммоларни ҳал этишга ёрдам беради.

Ҳозир Ўзбекистонда 32 та шундай уй бор, шундан 7 тасида 1800 қария яшамоқда. Кексаларнинг дам олишини яхши ташкил этиш муаммосини ҳал қилиш, раҳм-шафқат амалий хизматини йўлга қўйиш жуда муҳимдир. 1987 йилда Узсовпроф ва область касаба союзлари Совети фақат оммавий-маданий ишларни ташкил этиш учун 60 минг сўм пул ажратди. Тошкент областидаги интернат-уйларда қариялар учун яхши шароитлар яратилган. Афсуски, Самарқанд, Андижон областларидаги интернатларда истиқомат қилаётган қарияларнинг осойишталиклари учун унча яхши шароит яратилмаган. Бунинг сабаби интернатларни оталиққа олган ташкилотлар уларга берадиган ёрдамни сусайтириб юборганликларидадир.

Социалистик уйимизни қурар эканмиз, бир-биримизга ғамхўрлик қилишимиз, бераҳмлик, бюрократизм, тошбағирликка қарши биргаликда курашишимиз, барча қимматли нарсаларни, ташаббусларни, Ленин ибораси билан айтганда, халқдаги барча жонли ва ҳалол ишларни қўллаб-қувватлашимиз лозим.

Пропагандистларнинг байрами ва оддий иш кунлари

24 сентябрь куни меҳнаткашларнинг сиёсий ва иқтисодий таълими системасида янги ўқув йилининг бошланиши арафасида Ўзбекистонда пропагандистлар куни тантанали равишда нишонланди.

Ҳозир минглаб пропаганда усталари — марксизм-ленинизм назариясини, партия сиёсатини, унинг совет жамияти турмуши барча бўғинларини қайта қуришга қаратилган стратегик йўлини оммага етказаётган, туб иқтисодий ислоҳот вазифаларини, социал программаларни ҳал этиш йўлларини тушунтириб бераётган кишиларнинг ҳалол ва фидокорона ишлари ғоят катта аҳамиятга эгадир. Улар ўзларининг мана шу асосий партия топшириғини виждонан бажариб, меҳнаткашларга ўз билим доирасини кенгайтириб тобора бойитишга, ҳозирги замоннинг мураккаб ўзгаришларини, ҳар бир корхона, ҳар бир колхоз ва совхозда қайта қуришнинг конкрет социал-иқтисодий вазифаларини ҳал этиш методларини аниқроқ билиб олишда ёрдам бермоқдалар.

Республика пропагандистларининг энг яхшиларидан яхшилари ўзларининг байрамида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига таклиф этилдилар. Сиёсий ва иқтисодий ўқиш ташкилотчиларидан бир группасига меҳнаткашлар ўртасида марксизм-ленинизм назарияси ҳамда КПСС сиёсатини пропаганда қилиш борасидаги кўп йиллик самарали ишлари учун «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими» унвони берилганлиги тўғрисида кўкракка тақиладиган нишонлар ва тегишли гувоҳномалар, шунингдек, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиқлари топширилди.

Бўлиб ўтган суҳбатда пропагандистлар партия XXVII съезди, XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси идеология ходимлари олдига қўйган вазифаларни ҳал этиш йўллари тўғрисида фикрлашиб олдилар.

Учрашувда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари М. Ҳ. Холмуҳамедов нутқ сўзлади.

(ЎзТАГ).

ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТЛАРИНИНГ ПЛЕНУМЛАРИ

ФАРҒОНА. Фарғона область партия комитетининг кеча бўлиб ўтган пленумида КПССнинг XIX Бутуниттифоқ конференцияси ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XI пленумининг қарорлари асосида аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш борасида область партия, совет ва хўжалик органларининг биринчи навбатдаги вазифалари муҳокама этилди. Фарғона область партия комитетининг биринчи секретари Ҳ. Умаров доклад қилди.

Пленум Фарғона область XXIII партия конференциясини чақириш тўғрисида қарор қабул қилди.

* * *

НАМАНГАН. Кеча Наманган область партия комитетининг пленуми бўлди. Пленум қатнашчилари область аҳолисига медицина хизмати кўрсатишнинг аҳволини ва бу ишни яхшилашнинг кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларини муҳокама этдилар.

Пленум Наманган область XVII партия конференциясини чақириш ҳақида қарор қабул қилди.

Пленумда область партия комитетининг биринчи секретари Б. А. Алламуродов нутқ сўзлади.

(ЎзТАГ).

• *Бугун — Машинасозлар куни*

ИЗЛАНИШ

• *Тўла хўжалик ҳисоби — экономикамиз истиқболи*

Ўз харажатларини ўзи қоплаш ва ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш шароитида ишлаётган корхоналар орасида Тошкентдаги «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳам бор. Корхонада ўтган йили конструкторлар меҳнатини ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг бригада усули жорий этилган ва у Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюросида маъқулланган эди. Эксперимент муваффақиятли ўтди. Конструкторлар янгича усул афзалликларини амалда синаб кўрдилар ва шунга ишонч ҳосил қилдиларки, меҳнатни ташкил этиш янги формасининг фойдали томонлари кўп экан.

Бу ерда юқори бўғин раҳбар ходимлар ўқуви ҳам, цех бошлиқлари, иқтисодчи ва технологлар учун алоҳида программалар бўйича ҳам ўқишлар ташкил этилди. Иқтисодий таълим мактаби ва иқтисодий таълим группалари ишлаб турибди. Булардан ташқари, «Билим» жамияти томонидан муҳим иқтисодий мавзуларда лекциялар ташкил этилди.

Меҳнат интизомини қатъий йўлга қўйиш, ишни барбод этган шахслардан қатъий талаб қилиш, касб маҳоратини ошириш, ёш инженер-техник ходимлар билан ишлашни йўлга қўйиш ва бошқа масалалар юзасидан қатор тадбирлар амалга оширилди.

— Тўла хўжалик ҳисоби асосида ишлаётганимизга энди ярим йилдан сал ошди, — деди бирлашманинг қатъий қотишмалар ва ўта қаттиқ материаллар хизмат бўлимининг раҳбари, бош конструктор П. Ждановский. — Ҳали бирон натижа ҳақида гапиришга эрта, дерсиз. Очиғи, уни аввало, ҳаммамиз, ҳар биримиз охиригача тўла тушуниб олишимиз керак. Шунинг учун ҳам ўқиш кераклигини бутун вужудимиз билан ҳис этяпмиз.

Беихтиёр давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги Қонун йўл-йўриқлари ёдимизга тушди. Корхонада дастлаб кадрларнинг маҳорати, умумий таълим савиясини ошириш ҳақида ғамхўрлик қилинмоқда. Ҳозирги туб бурилиш даврида эскича билим, аввалги савия билан узоққа бориш мумкин эмас. Буни корхона маъмурияти ҳам, партия комитети, хизмат бўлимлари масъул ходимлари ҳам чуқур тушундилар. Шунинг учун профессионал таълим билан бир қаторда, иқтисодий таълимни узвий қўшиб олиб боришга катта эътибор қаратилди. Ҳатто иқтисодий таълим бўйича кадрлар резерви ўқуви ҳам ташкил этилди. Корхонада қайта аттестация ўтказилди. Ишчиларнинг структураси қайта кўриб чиқилмоқда. Масалан, темирчилик-пресслаш ва автоматлаштириш конструкторлик-технология бюросида анчагина штат қисқарди. Ҳар бир бўлимнинг имкониятлари қайта кўриб чиқиляпти. Энди масаланинг ҳамма томонини тарозига солиш — сифат, фойда, таннарх, ҳар бир тийинни ҳам иқтисод қилиш ҳақида астойдил бош қотириладиган бўлди. Хўжалик юритишнинг янги усули осмондан тушгани йўқ, албатта. Унга ўтишга катта тайёргарлик кўрилди: ҳамма нарса ички имкониятларни тўла ишга солишга боғлиқ экан!

Биринчидан, энг муҳими, корхона маҳсулотларини харид қиладиган, унга катта эҳтиёж сезган истеъмолчилар топилди. Иккинчидан, корхона тарихида илк бор ечимларнинг техникавий даражасини қайта кўриб чиқишга тўғри келди. Нега бунга мажбур бўлинди?

Гап шундаки, мавжуд эскирган дастгоҳлар учун аввалларидек корхона ҳамёнидан эмас, давлат ҳисобидан тўланарди. Энди корхона ўз ҳамёнидан тўлайди. Агар илгари фақат планни бажариш ва мукофот олишгина ўйланган бўлса, энди нима фойда-ю, нима зарарлигини атрофлича ўйлаб, ҳисоб-китоб қилишга тўғри келяпти.

Корхона хўжалик ҳисоби асосида ишлашга ўтмаган шароитда фақат жорий харажатларнигина қоплаб келган ва фойданинг асосий қисмини бюджетга йўллаган (кейинчалик у марказлашган ҳолда тақсимланган) бўлса, ҳозир ўз харажатларини ўзи қоплагач, корхонани ривожлантиришнинг кенг истиқболлари очиляпти. Масалан, шу йилнинг биринчи ярмида фойда олиш плани муваффақиятли бажарилди. Тармоқ министрлиги — Трактор ва қишлоқ хўжалиги машинасозлиги министрлиги корхоналари билан тузилган шартномалар ана шундай фойда олишга имкон бермоқда.

Корхона олдида кенг истиқболлар очилишига бирлашма бўйича хўжалик ҳисоби жорий этилганлигигина эмас, балки ички хўжалик ҳисоби жорий этилиши ҳам катта ёрдам беради. Айни вақтда цехларда ва бўлимларда хўжалик ҳисобини қўллашга қизғин тайёргарлик олиб бориляпти. 1989 йилнинг 1 январидан корхона ички хўжалик ҳисобига ўтади.

Ҳозир ҳар бир ечимни қайта кўриб чиқиш ишини ниҳоясига етказишга ҳаракат қилинаётганининг бош сабаби ҳам шу. Жаҳон ва мамлакат стандартлари даражасида маҳсулот ишлаб чиқаришга эришиш мақсад қилиб қўйилган. Шунга эришилмаса, корхона тараққиёт йўлидан бора олмайди.

Эндиликда ҳар бир ечимнинг жаҳон ва мамлакат стандартлари талабига жавоб бериш-бермаслиги синчиклаб таҳлил этилмоқда. Яна бир эксперимент қилинди. Экспериментал лаборатория ҳам бригада усулига ўтди. Бу тажрибанинг истиқболи кўрина бошлади. Илгари лабораторияда конструктор ё инженерга ойлик маош белгиланган эди. Бригада усулида эса ҳар ким умумий меҳнатга қўшган шахсий ҳиссасига қараб ҳақ олияпти. Бутун лаборатория бўйича шундай қилинаётгани меҳнат унумдорлиги ортиши ва иш сифатига таъсир кўрсатмоқда. Бригадалар ишига фақат сўнгги натижага қараб баҳо бериляпти. Илгари бундай эмасди. Натижада ўртача олганда бригадаларда меҳнат унумдорлиги 20—25 процент ошди.

Янгича хўжалик юритиш шароитида харажатлар қатъий ҳисобга олинадиган бўлиб қолди. Бу — чизмаларга ҳам, намуналарга ҳам, асбоб-ускуна ёки лойиҳага ҳам, технология ва технологик жараёнга ҳам баб-баравар тааллуқли. Ҳозир бутун мамлакатимизда бу «илмий-техника маҳсулотлари» деб юритилмоқда. Авваллари эса «фан бўйича хизмат кўрсатиш корхоналари» деб аталарди.

Энди ҳар бир сўмлик иш ҳажми маош учун норматив ҳисобланади. Нормативга эга бўлган бригада ўз харажатларини ўзи ҳисоблаб бормоқда. Шундай хулосага келиндики, фойда бўлсагина мукофот олиш мумкин! Фойда бўлмаса мукофот ҳақида гап очиш ноўрин.

Мутахассислар билан таҳминий ҳисоб-китоб қилинди: белгиланган барча режалар тўла-тўкис амалга оширилса, бу йил олинадиган мукофот ўтган йилдагидан, албатта, кўп бўлади! Хўжалик юритишнинг янги усули кони фойда, деган хулосага келиш мумкин.

Корхона бу фойдадан социал тадбирларни амалга оширишда кенг фойдаланади. Фойда қанча кўпайса, социал, маданий-маиший объектлар қуришга шунча кўп маблағ ажратилади. Ҳар бир сўм ҳисобда турғани учун иқтисодий ислоҳотга тайёргарлик пайтидаёқ эскирган дастгоҳларнинг 12—15 процентини сотиб юборилди. Улар ўрнига янгилари олинди. Чунки энди ҳадеб эски дастгоҳларни ремонт қилавериш учун корхона ҳисобидан маблағ сарфлайвериш фойда ўрнига зиён келтиради.

Экспериментал лабораторияда учта бригада бор. Уларни махсус асбобсозлик бригадалари деб аташади.

Анатолий Васильевич Зеленский бригадасида бўлганимизда, бу ерда хўжалик ҳисоби моҳияти ҳар бир оддий ишчи-хизматчига пухта сингдирилгани — изланиш давом этаётганининг гувоҳи бўлдик. Бу бригада янгича шароитда юқори сифатли асбоблар тайёрлаб беряпти. Ёш силлиқловчи Азмиддин Тошхўжаев, тажрибали силлиқловчи Николай Маркин, йиғувчи Тоҳир Сулаймонов, токарь Станислав Попов ва бошқалар бутун бирлашмада илғор ҳисобланишади.

Давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги Қонунда меҳнат коллективи кенгашларига катта ҳуқуқлар берилди. Корхонада кенгашни сайлашга пухта тайёргарлик кўрилди. 40 кишидан иборат кенгаш сайланди. Уларнинг 40 процентини ишчилар, 60 процентини инженер-техник ходимлар ташкил этади. Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати, 6-разрядли электрчи А. Логачев кенгаш раиси этиб сайланди.


Бирорта йирик социал ва ишлаб чиқариш масаласи бу кенгашсиз ҳал этилмаяпти. Кенгаш жамоатчилик асосида иш олиб бормоқда. Унинг таркибига бош директор ва партия, касаба союз ва комсомол етакчилари ҳам киритилган. Асбобсозлик хизмати доирасида 4 бўлим ва 4 лаборатория бор. Бундан ташқари бош металлурглик ва бош технологлик хизматлари фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг ҳар бирида ўттадан бўлим мавжуд.

Бу хизматларнинг коллективлари келгуси йилдан бошлаб бошқа корхоналар билан янги техника-технологияни ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича шартнома тузиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Туб ислоҳот меҳнат коллективлари учун янги истиқболлар яратиб бермоқда. Ҳамма гап янгича шароитда омилкорлик, ташаббускорлик билан ишлашга ва доимо ижодий дадиллик кўрсатишга боғлиқ.

Ҳ. ИКРОМОВ.





СИФАТ УЧУН КУРАШИБ

«Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчилари ўн иккинчи беш йилликнинг учинчи йил плани топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун ҳар доим изланмоқдалар. Заводнинг бош конвейерида меҳнат қилаётган А. Мингафаров бошлиқ бригада аъзолари самарадорлик ва сифат учун курашмоқдалар. Улар ҳар куни 82 ўрнига 90—100 тадан трактор тайёрлаб бермоқдалар.

Суратларда: (юқорида) участка бошлиғи В. Хайитметов илғор слесарь-йиғувчилар Б. Чучков, К. Шокирова, Н. Сучков билан суҳбатлашмоқда. Ўнгда эса тайёр маҳсулотларни кўриб турибсиз.

А. Зуфаров фотолари.

УМР БЎЙИ КИТОБ БИЛАН ДЎСТЛАШИБ

Китобсеварлар жамияти сафларига ҳар йили тобора кўпроқ одамлар келиб қўшилмоқда. Ҳозир Ўзбекистонда шу жамиятнинг аъзолари қарийб тўқсон минг кишига етди. 20 минг китоб тарғиботчиси ижтимоий-сиёсий, техникавий, илмий, бадиий, болалар адабиётини тарқатишга кўп куч сарфламоқда. Тошкент, Фарғона, Наманган, Бухоро, Самарқанд, Навоийда ташкил этилган китобсеварлар клублари Ўзбекистонда жуда оммалашиб кетди. Бу клубларга классик адабиёт ва санъат, поэзия ва фантастика, детектив ҳамда ҳарбий мавзуларда ёзилган асарларнинг ихлосмандлари тўпланган. Ўзбекистонда ҳаммаси бўлиб 752 та ана шундай клуб тузилган, бундан ташқари корхоналар ва ташкилотларда 590 та халқ китоб магазини ва дўкончаси очилган, «Китобнинг ёш дўстлари» деб аталган 350 та мактаб кооперативи муваффақиятли ишлаб турибди. Республика Китобсеварлар жамияти правлениесининг 23 сентябрь куни Тошкентда бўлган пленумида шу фактлар келтирилди. Пленум жамият фаолиятида жамоатчилик асослари ҳамда ижодий ташаббусни ривожлантириш масалаларини муҳокама қилди. Республика жамияти правлениеси раисининг биринчи ўринбосари Ғ. П. Пўлатов пленумда доклад қилди.

Пленум қатнашчилари Арманистон ва Озарбайжон китобсеварларига мурожаатнома қабул қилиб, унда улар ўз обрўлари, куч ва ғайратларини Тоғли Қорабоғдаги аҳволни нормаллаштиришга, у ерда рўй берган вазият янада чигаллашувининг олдини олишга қаратишга даъват этдилар.

Пленумда китобсеварлар Бутуниттифоқ кўнгилли жамияти правлениеси раисининг биринчи ўринбосари С. Г. Шувалов нутқ сўзлади.

(ЎзТАГ).

• Сизга қандай хизмат кўрсатишяпти?

Ғиждувон районида шахсий машинаси бўлган кишиларга қулайлик яратилди. Райондаги Энгельс номли колхозда техник хизмат кўрсатиш станцияси қурилиб ишга туширилди. Корхонанинг Н. Раҳматов, М. Хусенов, М. Ўсалов сингари усталари хизматидан кўпчилик мамнун бўлмоқда.

А. ВОҲИДОВА.

Риштон районидаги Сўх матлубот жамиятига қарашли совет савдоси аълочиси М. Ёрматов мудирлик қилаётган 4-озиқ-овқат магазини коллективи харидорлар талаб ва эҳтиёжлари асосида иш юритиб дуруст натижаларга эришмоқдалар. Магазинда ой сайин план-топшириқлари ортиғи билан адо этилмоқда. Турдош корхоналар ўртасидаги социалистик мусобақада пешқадамлик қилаётган коллектив йиллик савдо-сотиқ планини муддатидан ўн кун олдин адо этиш учун курашмоқда.

Р. ХАЛИЛОВА.

Андижон шаҳрида чойхоналар кўп. Уларнинг айримларига кирсангиз баҳри-дилингиз очилади. Ҳаммаёқ озода, саранжом-саришта, у ердан газета-журналларни ҳам топиб ўқиш мумкин. Аммо колхоз бозоридаги оталар чойхонаси ҳамда «Толзор» чойхонаси ҳақида бундай деб бўлмайди. «Толзор» чойхонасида кўрпача ва поёндозлар кир-чир, чойнакларнинг жўмраклари учган, фаввора сувсиз қақраб ётибди. Оталар чойхонаси саҳнини саришталашга ҳам кам эътибор бериляпти, антисанитария ҳолати кўпчиликнинг таъбини хира қилмоқда. Шаҳар ижроия комитети, тегишли савдо ва умумий овқатланиш ташкилотлари бу борада назоратни кучайтиришлари керак.

З. НАЖМИДДИНОВ.

ТОҒЛИ ҚОРАБОҒ ТЕВАРАГИДАГИ АҲВОЛГА ДОИР

Озарбайжоннинг Тоғли Қорабоғ автоном области территориясида ва Ағдам районида жамоат тартибини муҳофаза қилиш органлари кўрган чоралар кескинликни юмшатиш, миллатлараро асосда яна тўқнашувлар бўлишига йўл қўймаслик имконини берди.

Уйларга ўт қўйган кишилар тутилди, айрим граждан-лардан ўқ отиш ва совуқ қуроллар тортиб олинди. Тергов ўтказилмоқда. Партия, давлат органлари, жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари аҳоли орасида тушунтириш ишларини олиб бормоқда.

Автоном областнинг қишлоқ районларида нормал меҳнат мароми сақланиб турибди. Айни вақтда Степанакертдаги саноат корхоналари, қурилиш ташкилотлари ва ўқув юртлари ҳали ҳам ишламай турибди. Темир йўл станциясида юки тушириб олинмаган 150 тага яқин вагон тўпланиб қолди.

Арманистон Компартияси Марказий Комитети, Арманистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг республика коммунистларига ҳамда барча меҳнаткашларига мурожаатномаси Арманистон ССРдаги вазиятнинг ривожига ижобий таъсир қилмоқда. Арманистоннинг таниқли фан ва санъат арбоблари, жумладан академик В. А. Амбарцумян, шоира Сильва Капутикян республика телевидениеси орқали гапириб, аҳолини сабр-тоқатли ва сергак бўлишга, масъулиятсизларча даъватларга қулоқ солмасликка чақирдилар. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари кўраётган чоралар кўпчилик меҳнат коллективларида тушуниб кутиб олинмоқда. 23 сентябрь эрталаб республика пойтахти ва бошқа саноат марказларидаги корхона ҳамда ташкилотларнинг анчагина қисми ишлади. Шаҳар транспортининг ҳаракати нормаллашмоқда. Шу билан бирга Ереваннинг марказида масъулиятсиз кишилар уюштираётган митинглар ва уларда берилаётган ифвогарона баёнотлар, одамларни сунъий равишда ғазабланти-ришга мўлжалланган турли-туман миш-мишлар вазиятни барқарорлаштиришга халақит бермоқда.

Шаҳардаги аҳвол назорат қилиниб турибди.

(ТАСС).

Меҳр кўтарилмасин

Мамлакатимиз халқларининг биродарлик дўстлик тарихи узоқ-узоқларга бориб тақалади. Бугунги ҳаётимизнинг фаровонлиги ҳам мана шу дўстлик туфайли эканлиги шубҳасиз. Лекин мамлакатимизнинг баъзи жойларида халқлар дўстлигига раҳна солувчи хатти-ҳаракатлар бўлаётгани кечирилмас ҳолдир. Ҳозир барча совет халқининг диққат-эътибори Озарбайжон ССРнинг Тоғли Қорабоғ автоном областига қаратилган. У ерда содир бўлаётган воқеалар ҳаммани ташвишга соляпти.

Барча одамлар икки халқ муносабатини бузишга уринаётган баъзи қимсалардан очиқдан-очиқ нафратланишмоқда. Ҳақиқатан ҳам нега энди экстремистларнинг қилмиши учун кўпмиллатли бутун совет халқи ўз тинчини йўқотиши керак!

Менимча, ҳар бир соф виждонли киши Тоғли Қорабоғдаги кўнгилсиз воқеалардан хулоса чиқариб олиши лозим. Яъни, оммани халқлар дўстлиги, интернационализм ғоялари руҳида тарбиялашга ўз ҳиссасини қўшиши керак. Бу борада биздаги ибрат олса арзийдиган ишлар амалга ошириляпти. Мактабимиз Қирғизистон ССРнинг Ўш области билан чегарадош ерга жойлашган. Кўчанинг бир томони Қирғизистон бўлса, бир томони Ўзбекистон. Мактабимизда ўзбек, қирғиз болалари ва яна бошқа миллат фарзандлари бирга билим олишади.

Биз ўқувчилар онгига ёшликдан биродарлик, дўстлик ғояларини сингдириб боришни асосий бурчимиз деб биламиз. Бу ишда ўқитувчиларга шу территорияда яшовчи икки халқ аҳолиси ҳам яқиндан ёрдам беришади. Бир сўз билан айтганда, қўшни икки халқ аҳлининг бири кўз бўлса, бири қош. Ҳозир Тоғли Қорабоғдаги воқеалардан уларнинг ҳар иккиси бирдек ташвиш тортяпти. Ким билан гаплашманг, «орамиздан меҳр кўтарилмасин, ишқилиб болаларимиз ҳам бир-бирларига меҳр оқибатли бўлсин», дейишади. Ҳақ гап. Бу гаплар замирида олам-олам маъно бор.

С. ЁҚУБОВ,
Косонсой районидаги «Партия XXVI съезди» ўрта мактаби директори.

Дунё воқеалари

АФҒОНИСТОН:

ОППОЗИЦИЯНИНГ ИФВОГАРЛИКЛАРИ

Ҳарбий маълумотлар аввалгидек афғон матбуоти ҳамда Бахтар ахборот агентлигининг асосий материаллари бўлиб қолмоқда. Қандаҳор ва Қундуз вилоятларидан олинган хабарларда афғон армияси бўлинмаларининг «муросасизлар» қуролли гуруҳларига қарши операциялари ҳақида сўз юритилади. Қандаҳор атрофидаги ерларда шаҳар тинчлигини бузган жиноятчи группа фаолиятининг пайи қирқилган, 25 исёнчи ўлдирилган ва яраланган.

Айни вақтда республика обрўли органларининг маълумотларига қараганда, Ғилмонда ҳукуматга қарши йирик бўлинмалар тўпланмоқда.

Сўнгги кунларда Кобул, Қунар, Нангарҳор, Пактиё, Қандаҳор, Жоузжон, Ҳирот, Таҳар, Ўрузгон вилоятларида ҳам армия гарнизонларига ҳужум қилинди ва улар ўққа тутилди. Кобул, Парвон, Вардак ва Лағмон вилоятларига экстремистларнинг янги бўлинмалари келди. Пактиё, Қандаҳор ва Парвонда ҳаракат қилаётган экстремистик гуруҳлар орасида чет эллик янги маслаҳатчилар пайдо бўлганлиги қайд этилмоқда.

Экстремистик гуруҳлар ўртасида қонли тўқнашувлар бўлаётганлиги ҳақида ҳам хабарлар келиб турибди. Холис фикрловчилар билан фундаменталистлар гуруҳлари ўртасидаги қарама-қаршиликлар ҳам чуқурлашиб бормоқда.

Покистон территориясида жойлашган лагерларда яшаётган қочоқлар Афғонистон ислом партияси раҳбариятининг экстремистик йўлини қабул қилмаганлиги ҳақида ҳам хабар қилинади. Чунончи, Кветта районида яшовчи қочоқлар Ҳикматёрнинг ўз лагерларига келишига қаршилик кўрсатишди. Улар ўзларининг бу ҳаракатларини Ҳикматёр «биродаркушлик урушини авж олдирмоқда ва уни тўхтатишни хоҳламаяпти», деб асосладилар.

(ТАСС).

СЎНГГИ СОАТДА

✦ БРЮССЕЛЬ. Бельгия пойтахтида очилган «Бюро-88» халқаро кўргазмасида жаҳондаги кўпгина мамлакатларнинг юзлаб етакчи фирмаси ўз маҳсулотларини намойиш этмоқда. Мазкур кўргазма ташкилий ва ахборот техникаси соҳасидаги энг янги ютуқларга бағишланган.

Кўргазма комплекси залларида секретарь-машинистка-лар ишини енгиллаштирувчи энг оддий мосламалар, хизмат бинола-рида фойдаланиладиган мебеллар билан бир қаторда ҳар қандай кичик ёки катта корхона ва муассасадаги катта ахборот оқимини тўплаш ҳамда уни қайта ишлаш имконини берадиган мураккаб компьютер системалари ҳам қўйилган.

✦ ВАШИНГТОН. Президент Рейган вакиллар палатаси спикери Жеймс Райтни Марказий разведка бошқармаси яширин операцияларн му-ҳокамасига тааллуқли қоғозларни бузганликда айблади. Маъмурият бошлиғи Оқ уйда штаб бошлиқлари комитетлари аъзолари билан учрашув бошланишидан олдин репортерлар билан бўлган суҳбатда «ҳар қандай шароитда ҳам разведка операцияларининг бирор тури ҳақида халқ олдида гапириш керак эмас», деб айтди.

Вакиллар палатаси спикери Райт сешанба куни журналистлар билан бўлган учрашувда МРБ Никарагуа ички-сида ифвогарлик операцияларини амалга оширмоқда, бу мамлакатга жамоатчилик орасида нотинчлик ҳамда тартибсизлик келтириб чиқариш вазифаси билан фитначилар ва ифвогарларни юбормоқда, деди. Президент Рейган Райтнинг бу фикрини рад этмади.

✦ ЛАГОС. Нигерияда бўлган жуда кучли жала туфайли камида 100 минг киши бошпанасиз қолди. Нигерия радиосининг хабар қилишича, бу Африка давлатининг бир қанча ғарбий районларида ёмғир натижасида дарёлар мисли кўрилмаган даражада тошиб, тўғонлар ва кўприклар бузилди, катта майдонлардаги хосил нобуд бўлди.

(ТАСС).

• *Мухбиримиз бонг уради*

ҚИШЛОҚДАГИЛАР ШАКАР ЕМАЙДИМИ?

Фарғона области пахта далаларида ҳосил йиғим-терими кун сайин қизиб кетяпти. 1988 йилнинг мўл ҳосилини қисқа муддатларда, сифатли териб олиб давлатга топшириш ҳар бир қишлоқ меҳнаткашининг қатъий аҳдига айланган. Кўп минг килограммчи теримчилар ҳаракати авж олди. Зарбдор меҳнат ўзининг дастлабки самараларини беряпти. Ҳозирнинг ўзида областдаги ўнлаб бригада ва звеналар давлатга пахта сотиш йиллик планларини бажариб, мажбурият ҳисобига пахта топширмоқдалар. Ана шу қизғин меҳнат билан банд бўлган пахтакорларга маданий-маиший, савдо хизмати кўрсатиш қандай ташкил этилган?

Бир қарашда бу соҳадаги ишлар кўнгилдагидек туюлади. Чунки терим кампанияси бошланиши билан савдо корхоналарининг иш режими қайта кўриб чиқилди. Ҳозир область матлубот жамиятлари союзига қарашли дўконлар эрталаб соат 7 дан кечки 22 гача ишлашга ўтган. Ҳар хил турдаги савдо ярмаркалари ташкил этилган. 16 жойда тунги ярмаркалар пахтакорлар хизматига шай. Сотувчисиз дўконлар сонини кўпайтириш, кўчма умумий овқатланиш корхоналари ташкил этиш борасида ҳам анча-мунча ишлар қилинган. Маданият, санъат ходимлари ҳам умумхалқ ҳашаридан четда туришгани йўқ. Дала шийпонларида тушки ҳордиқ пайти дилрабо куй ва қўшиқлар янграмоқда.

— Лекин эртадан кечгача далада ишлаётганларга хизмат кўрсатиш қониқарли эмас, — дейди Оҳунбобоев районидаги А. Ниёзов номли совхоз ишчиси Замира Мирзаева. — Бешта фарзандим бор. Даладан қайтгач, уларнинг кир-чири, озиқ-овқатига ҳам қараш керак, ахир. Кошки биз, аёллар зиммасида пахта теришнинг ўзигина бўлса... Афсуски, дўконларимизда энг зарур кундалик эҳтиёж моллари етишмайди. Ҳатто кир совун, кир содасидай оддий нарсалар ҳам анқонинг уруғи. Шакар тўғрисида-ку гапирмаса ҳам бўлади. «Совет Ўзбекистони» газетасининг Фарғона шаҳридаги қабулхонасига область қишлоқлари аҳолисини кундалик эҳтиёж моллари билан таъминлашдаги узилишлар ҳақида кўп шикоят тушяпти. Айниқса, шакар билан таъминлаш ёмон аҳволда. Шаҳарларда талон системаси жорий этилиб, бу соҳадаги аҳвол бирмунча тартибга туширилди. Аммо юз минглаб кишилар яшайдиган область қишлоқларида мураккаб вазият вужудга келган.

Биз мавжуд аҳволни изоҳлаб беришни сўраб область матлубот жамиятлари союзи раисининг ўринбосари М. Абдураҳмоновга мурожаат этдик.

— Тўғри, — дейди у, — қишлоқ аҳолисини кир совун, сода ва бошқа баъзи товарлар билан етарли даражада таъминлай олмаяпмиз. Чунки область планлаштириш органлари юқоридаги товарларга бўлган талабимизнинг 85 процентини миқдоридагина таъминлаяпти. Шакар маҳсулоти ўтган йилга нисбатан 225 тонна кўп белгиланган. Аммо қишлоқ аҳолисига шакар етказиб беришдаги камчиликларга биргина биз айбдор эмасмиз.

Маълум бўлишича, область бўйича аҳоли жон бошига ўртача 11,1 килограммдан шакар фонди белгиланган. Аммо мавжуд фондни шаҳарлар ва қишлоқлар аҳолиси ўртасида тақсимлашда мутаносиблик йўқ. Область планлаштириш органидаги ўртоқлар кўпроқ шаҳарликларга мойил шекилли, шаҳар аҳолисининг жон бошига йилига 26,1 килограммдан шакар белгиланган ҳолда қишлоқ аҳолисининг жон бошига йилига атиги 6,3 килограммдан, яъни шаҳарга нисбатан тўрт баробар кам шакар фонди белгиланган. Ажабо, қишлоқликлар шакар емайдилар, деган фикрни облпланнинг мутасаддилари қаердан олишдийкин? Ахир бу социал адолат принципларининг кўпол равишда бузилиши эмасми? Аксарият кўп болали оналарнинг қишлоқ жойларида яшашини эътиборга олсак бу, албатта, инсофдан эмас.

Область матлубот жамиятлари союзида бизга тез орада совун, шакар, шишали пахта мойи ва бевосита далаларда савдо қиладиган автолавкалар, кўчма дўконлар ташкил этилиши, пахтакорларга фонддан ташқари 220 тонна шакар, 70 тонна кир совун сотилиши мўлжалланаётганлиги ҳақида гапиришди. Ният яхши. Аммо пахта терими тобора авж олиб бораётган, область йиллик планнинг қарийб чорак қисмини уддалаб қўйган бир пайтда ваъдалардан амалий ишга ўтиш даври келмадимикин?

Область қишлоқлари аҳолисини туширилган газ билан таъминлаш ҳам талаб даражасида эмас. Риштон, Бувайда, Олтиариқ ва бошқа қатор районларда хонадонларга суюлтирилган газ баллонлари 35—40 кунда бир марта етказиб бериляпти. Қишлоқлар кўчаларида турнақатор териб қўйилган бўш газ баллонларини кўрасиз. Аксарияти газлаштирилмаган Фарғона қишлоқларида мана шу долзарб кунларда газ етишмаслиги пахтакорлар хонадонларида қўшимча қийинчиликлар келтириб чиқариши, бу эса ўз навбатида терим суръати ва сифатига таъсир кўрсатиши, шубҳасиз.

Областдаги маҳаллий партия, совет органлари қишлоқ аҳолисининг талаб ва эҳтиёжларини қондириш учун чора-тадбирлар кўриши зарур.

А. ИБОДИНОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

В. И. Ленин номидаги Совет болалар фонди Ўзбекистон бўлими ташкил этилганидан буён ярим йилча вақт ўтди.

Совет болалар фонди Ўзбекистон бўлими правлениеси раисининг биринчи ўринбосари И. ЮСУПОВА болалар фонди олиб бораётган ишлар хусусида мухбиримизга қуйидагиларни сўзлаб берди.

Совет болалар фонди Ўзбекистон бўлими ташкил топгандан буён болапарвар халқимиз, жамоат ташкилотлари, меҳнат коллективлари 707 фонд ҳисобига 900 минг сўм маблағ топширдилар. Шундан 25 минг сўм Ўрта Осиё педиатрия институти қошида ташкил этилаётган республика педиатрия маркази ҳисобига ўтказилди. Яқинда унга яна 75 минг сўм қўшимча маблағ топширишга қарор қилинди. Шундай қилиб, Ўзбекистон болалар фонди ўз оталиғига олган педиатрия марказига ҳаммаси бўлиб, бу йил 100 минг сўм пул ёрдами ўтказади. Фонд ҳисобидаги маблағлардан 50 минг сўм республика болалар шифохоналари, санаторийлари учун ноёб медицина асбоб-ускуналари сотиб олиш учун ажратилди. Фонд қошидаги кооперативлар учун эса тахминан 30-40 минг сўм ажратиш мўлжалланмоқда.

Совет болалар фонди Ўзбекистон бўлими қошидаги «Планета» кооперативи бир неча йўналишда иш бошлаб юборди. Уни ташкил этишдан бирдан бир мақсад касалманд, инвалид ва мажруҳ болалар ҳаёт тарзини бирмунча енгиллаштиришдир. Кооператив ходимлари ногирон болалар дам олишлари, ўтириб-туришлари, ҳаракат қилишлари учун қулай асбоб-анжомлар лойиҳаси устида иш бошлаб юбордилар. Бундай асбоблардан хонадонларда тарбия топаётган инвалид болалар ҳам фойдалана оладилар. Фонд ҳисобидан 131,5 минг сўм республикадаги ғўдаклар уйларидаги группаларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш учун сарфланади.

кўрсатмоқда. Уладан тушган маблағлар, жиҳозлар болалар уйларига тарқатилмоқда.

Болалар — ҳаётимиз гуллари. Партия ва ҳукуматимиз кўп болали оналар ва болаларга доимо ғамхўрлик кўрсатиб келади. Бу борада турли қарорлар, имтиёзлар мавжуд. Афсуски,

• *Болалар ардоғимизда*

ҲАЁТИМИЗ ГУЛЛАРИ

Ўзбекистон бўлими Совет болалар фонди ҳисобига ҳам ўз ҳиссасини қўшмоқда. Бунга жавобан Совет болалар фонди Ўзбекистондаги болалар уйлари, мактаб-интернатлар учун тўртта автобус ажратди. Мунтазам равишда пойтахтдан 55 та шифокорлардан иборат бригада республикамизга келиб, кенг кўламда иш олиб борадилар. Улар бемор болаларни даволаш ва бу билан болалар ўлимининг олдини олиш борасида ибратли ишларни амалга оширмоқдалар.

Биз китоб фонди ташкил этяпмиз. Ғафур Ғулом номидаги ва «Юлдузча» нашриётлари ўзлари чоп этган китоблардан 1000 сўмлик, Китобсеварлар жамияти 400 номда китоб тортиқ этдилар. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, республика диний назорат бўлими ҳам етим болаларга катта ғамхўрлик аксари оналар ўз ҳуқуқ ва имтиёзларидан тўғри фойдалана билмайдилар. Баъзилари ана шу имтиёзлар билан яхши таниш ҳам эмаслар. Республика болалар фонди правлениесини ана шу масала ташвишга солмоқда. Шу нуқтаи назардан биз жойлардаги район, шаҳар ижроия комитетларига, меҳнат коллективлари, жамоат ташкилотларига эслатмалар йўллаяпмиз.

Куни кеча бўлиб ўтган болалар фонди республика бўлимининг президиуми фонд қошида ветеранлар кенгаши ташкил этиш масаласини кўриб чиқди. Кенгашнинг ташкилий комитети тузилди. Унинг аъзолари асосан болалар уйларининг собиқ тарбияланувчилари, правление ва тарбия муассасаларининг жонкуяр намояндалари. Улар болаларга ҳунар ўргатиш, ҳаётга йўлланма беришда ўз ҳаёт тажрибаларига суянадилар, албатта.

Меҳнат ветеранларини болалар ҳаётидаги ҳамма жараёнлар қизиқтиради. Улар ҳамма-ҳамма ишларда ёрдамга ҳозирдирлар.

Газетанинг шу йил 1 июль — Болаларни ҳимоя қилиш Халқаро кунига бағишланган сонида бир группа меҳнат ва уруш ветеранларининг «Меҳригиённи дариғ тутмаймиз» сарлавҳали мурожаати эълон қилинган эди. Шундан кейин болалар фонди (адресимиз: Пушкин кўчаси, 7-уй) 707 ҳисобига ўтказилаётган маблағлар кўлами янада ошиб кетди. Ҳимматингиз учун минг раҳмат, одамлар!

Биз жамоатчиликнинг ёрдамига муҳтожмиз ва унга доимо таянамиз. Бизни мактабгача тарбия болалар муассасаларида жамоатчилик асосида тузилган оналар кенгашининг фаолиятлари қизиқтиради. Фарзандларимиз учун давлат ажратаётган озиқ-овқат маҳсулотларига, кийим-кечак ва турли жиҳозларга кўз олайтираётган ясли-богча мудираларини ва ходимлари ҳақида ошкора ва бешафқат фикр билдиришлари керак. Бу борада ҳар қандай ўғирлик ва порахўрликка чек қўйиш учун қатъий курашиш лозим.

Болалар муассасалари қурилишига ҳашарга отланган ва жазм этган барча кенг, фидойи кишилар, болаларга ўз каср-кори, ҳунарини ўргатишга тайёр меҳнат ветеранлари билан учрашувга, уларнинг ажойиб ишларини кенг пропаганда қилишга тайёрмиз.

Гап фарзандларимизнинг бугунги, эртаси ҳақида кетаётган экан, улардан меҳримизни дариғ тутмайлик, азизлар!

ТВ: ҲАФТАЛИК: ТВ
ТВ: ПРОГРАММА: ТВ

26 сентябрь, душанба

МТ-I. 7.00 — «120 минут». 9.00 — Ҳужжатли фильм. 9.30 — Ёзги Олимпиада ўйинлари. 10.50 — Қисқа метражли бадиий фильмлар. 11.30 — Янгиликлар. 11.40 — Концерт. 13.50 — Янгиликлар. 14.00 — Ёзги Олимпиада ўйинлари. 17.15 — Жаҳон туризм кунига. 17.45 — Фильм-концерт. 18.05 — Мен, сен ва биз ҳаммамиз бирга. 18.50 — Мультфильм. 19.00 — XIX партия конференцияси белгилаб берган йўлдан. 19.45 — Шеърият лаҳзалари. 19.50 — Ҳужжатли фильм. 20.50 — Халқ куйлари. 21.00 — Время. 21.35 — Қайта қуриш прожектори. 21.45 — Ёзги Олимпиада ўйинлари. 00.20 — Дунё воқеалари.

МТ-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Илмий-оммабоп фильм. 9.35 — Тарих. 10.05 — Итальян тили. 11.05 — Сиз яратган боғ. 11.35 — Астрономия. 12.00 — Илмий-оммабоп фильм. 12.25 — Ёзги Олимпиада ўйинлари. 14.00 — Янгиликлар. 14.10 — «Уйланиш». Бадиий фильм. 15.45 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан! 16.45 — «Қурол-ланган ва ўта хавфли». Бадиий фильм. 18.20 — Янгиликлар. 18.30 — Рассом устахонасида. 18.45 — Ёзги Олимпиада ўйинлари. Танаффусда — хайрли тун, кичкинтойлар. 21.00 — Время. 21.35 — Қайта қуриш прожектори. 21.45 — Жонли планета. 22.40 — Тонгги почта. 23.10 — Янгиликлар.

УзТВ_I. 15.00 — Телефильм. 15.30 — Экранда классик адабиёт. 17.10 — Фильм-концерт. 18.00 — Янгиликлар. 18.15 — Бойчечак. 18.45 — Ахборот. 19.00 — Футбол «Пахтакор» — «Металлург» 20.45 — Долзарб интервью. 21.00 — Время. 21.35 — Қайта қуриш прожектори. 21.45 — Рақс санъати усталари. 22.30 — «Бўстон».

УзТВ_II. 19.10 — «Ёшлик» студияси почтасидан. 20.20 — Мураббийлар билан учрашув. **Фрунзе.** 21.00 — Время. 21.35 Қайта қуриш прожектори. 21.45 — Душанба куни, ишдан сўнг. 22.15 — Азем. 23.15 — «Салават Юлаев». Бадиий фильм.

27 сентябрь, сешанба

МТ-I. 7.00 — «120 минут. 9.05 — Ёзги Олимпиада ўйинлари. 9.35 — Мен, сен ва биз ҳаммамиз биргаликда. 10.20 — Янгиликлар. 10.30 — Ёзги Олимпиада ўйинлари. 14.30 — Эстрада программаси. 16.00 — Янгиликлар. 16.15 — СССР Давлат академик Большой театри оркестрининг солистлари ансамбли ижро этади. 16.30 — Болалар учун фильм. 17.50 — Демократияни ўрганамиз. 18.40 — Дунё воқеалари. 18.55 — Ёзги Олимпиада ўйинлари. 21.00 — Время. 21.35 — Қайта қуриш прожектори. 21.45 — Ёзги Олимпиада ўйинлари. 00.35 — Дунё воқеалари.

МТ-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Илмий-оммабоп фильм. 9.35 — Оилавий турмуш этикаси ва психологияси. 10.05 — Фантазёрлар. 10.30 — «Севганингдан айрилма». Бадиий фильм. 11.45 — Янгиликлар. 11.55 — Ф. Шуберт. «Ноктюрн» трионси. 12.05 — Ритмик гимнастика. 12.35 — В. Гюго. «Муқофотга — минг франк». Спектакль. 14.35 — Дин Рид ҳаётда ва қўшиқда. 15.45 — Янгиликлар. 16.00 — Ёзги Олимпиада ўйинлари. 18.50 — ...16 ёшгача ва ундан катталар. 19.35 — Рассомлар ҳақида ҳикоялар. 20.15 — Ҳужжатли фильм. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 — Кичик концерт. 21.00 — Время. 21.35 — Қайта қуриш прожектори. 21.45 — «Имтиҳон». Бадиий фильм. 23.05 — Янгиликлар. 23.10 — Ҳужжатли фильмлар.

УзТВ_I. 15.00 — Фильм-концерт. 15.30 — Ҳужжатли фильмлар. 16.40 — «Қизил олма». Бадиий фильм. 18.00 — Янгиликлар. 18.15 — Ёшлик. 19.00 — Кинопремьера. 20.00 — Ахборот. 20.15 — Телефильм. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Қайта қуриш прожектори. 21.45 — Рақс санъати усталари. 22.30 — «Бўстон».

УзТВ_II. 19.05 — «Она қалби». Спектакль. 19.50 — Телефильм. 20.10 — Веш йиллик: ишлар ва одамлар. **Душанба.** 20.50 — Қайта қуриш прожектори. 21.00 — Время. 21.35 — «Насиҳат». Теленовелла. 22.15 — «Генерал Нестеровга топширилсин». Бадиий фильм.

28 сентябрь, чоршанба

МТ-I. 7.00 — «120 минут». 9.00 — Ёзги Олимпиада ўйинлари. 10.50 — «Оқ либосдаги аёл». Бадиий фильм, 1 ва 2-серия-лар. 13.10 — Дебют. 14.50 — Янгиликлар. 15.00 — Ёзги Олимпиада ўйинлари. 17.30 — Музиқали Новосибирск. 18.15 — Ҳужжатли фильм. 18.35 — Дунё воқеалари. 18.50 — Фидойи шахслар. 19.35 — Ҳужжатли фильм. 20.50 — Қайта қуриш прожектори. 21.00 — Время. 21.35 — А. Баянова ижросида қадимий романслар. 22.30 — Ёзги Олимпиада ўйинлари. 00.30 — Дунё воқеалари.

МТ-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Илмий-оммабоп фильм. 9.35 — Гигиена ва физиология тўғрисида суҳбатлар. 10.05 — Немис тили. 11.05 — Илмий-оммабоп фильм. 11.35 Н. В. Гоголь. «Тарас Бульба». 12.05 — Ҳужжатли фильм. 12.25 — Ёзги Олимпиада ўйинлари. 15.00 — Янгиликлар. 15.10 — Ҳужжатли фильм. 16.55 — Телевизион музиқали абонемент. 17.15 — Янгиликлар. 17.30 — Ёзги Олимпиада ўйинлари. Танаффусда — Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.00 — Время. 21.35 — Қайта қуриш прожектори. 21.45 — «Гаплашиб олайлик» Бадиий фильм. 23.00 — Янгиликлар. 23.05 — Эфирда музика.

УзТВ-I. 15.00 — ЎзТВ фондидан. 16.00 — Телефильм. 16.35 — «Контрабанда» Бадиий фильм. 18.00 — Янгиликлар. 18.15 — Пионерлар мамлакатида. 19.00 — Қайта қуриш йўлидан. 20.00 — Ахборот. 20.20 — Қаҳрамон Комилов чалади. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Қайта қуриш прожектори. 21.00 — Время. 21.35 — Хат ва ҳаёт. 22.20 — Қувноқлар ва зукколар.

УзТВ-II. 19.05 — «Она қалби». Спектакль. 19.50 — Телефильм. 20.10 — Веш йиллик: ишлар ва одамлар. **Душанба.** 20.50 — Қайта қуриш прожектори. 21.00 — Время. 21.35 — «Насиҳат». Теленовелла. 22.15 — «Генерал Нестеровга топширилсин». Бадиий фильм.

29 сентябрь, пайшанба

МТ-I. 7.00 — «120 минут». 9.05 — Ёзги Олимпиада ўйинлари. 10.50 — Янгиликлар. 11.00 — Ёзги Олимпиада ўйинлари. 15.30 — Мультфильм. 15.50 — Янгиликлар. 16.00 — Ёзги Олимпиада ўйинлари. 18.30 — Мультфильм. 18.40 — Иқтисодий билимлар асослари. 19.10 — Дунё воқеалари. 19.25 — Ёзги Олимпиада ўйинлари. 21.00 — Время. 21.35 — Қайта қуриш прожектори. 21.45 — Ёзги Олимпиада ўйинлари. Танаффусда — Дунё воқеалари.

МТ-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Диққат: олти ёшлилар, 9.35 — Табиатшунослик. 9.55 — Илмий-оммабоп фильм. 10.05 — Испан тили. 10.55 — Ажойиб кишилар ҳаёти. 11.35 — Физика. 12.05 — Испан тили. 13.05 — «Сен кимани танлаган бўлардинг?» Бадиий фильм. 14.20 — Экранда Сибирь. 14.30 — Ёзги Олимпиада ўйинлари. 15.30 — Янгиликлар. 15.40 — «Гаплашиб олайлик». Бадиий фильм. 16.55 — Ҳужжатли фильмлар. 17.35 — Татар халқ куйлари. 18.00 — Ҳужжатли фильмлар. 18.35 — Янгиликлар. 18.45 — Инсон ва қонун. 19.20 — С. Рахманинов романсларини Л. Казарновская ижро этади. 19.40 — Қишлоқ янгиликлари. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар. 20.45 — Ёшлик куйлайди ва рақсга тушади. 21.00 — Время. 21.35 — Қайта қуриш прожектори. 21.45 — «Йўқ қилишга киришилсин». Бадиий фильм. 1-серия. 22.50 — П. И. Чайковский номли халқаро конкурс лауреатлари. 23.30 — Ёзги Олимпиада ўйинлари. 01.00 — Янгиликлар.

УзТВ-I. 15.00 — Болалар учун фильм. 15.15 — «Олис юлдуз шуъласи». Бадиий фильм, 1 ва 2 серия-лар. 17.30 — Биз қандай дам оламиз. 18.00 — Янгиликлар. 18.15 — Мультфильм. 18.25 — Ёшлик. 19.00 — Кооперативлар ва кооператорлар. 19.30 — «Муножот». Телетеатр 20.00 — Ахборот. 20.15 — Телефильм. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Катталар учун мультфильм. 21.00 — Время. 21.35 — Қайта қуриш прожектори. 21.45 — Хирмонингизга барака! 22.05 — Озиқ-овқат программаси — умумхалқ иши. 23.15 — «Фарзандлар» Бадиий фильм.

УзТВ-II. 19.05 — «Олтин соат». Бадиий фильм. 20.20 — Реклама. 20.30 — «Кескин тақиқ остида». **Фрунзе.** 21.00 — Время. 21.35 — Қайта қуриш прожектори. 21.45 — Телевидение ва томошабин. 22.30 — «Кадр ортидаги учрашувлар».

30 сентябрь, жума

МТ-I. 7.00 — «120 минут». 9.00 — «Етти қария ва бир қиз». Бадиий фильм. 10.20 — Янгиликлар. 10.30 — Фидойи шахслар. 11.15 — Нега ва нима учун? 12.00 — Ёзги Олимпиада ўйинлари. 14.00 — Дон узра қўшиқлар. 14.30 — Ҳужжатли фильм. 15.00 — Ёзги Олимпиада ўйинлари. 16.30 — Янгиликлар. 16.40 — Икки фортепьяно учун композиция. 16.50 — ...16 ёшгача ва ундан катталар. 17.35 — Ўқитувчилар кунига. 18.35 — Дунё воқеалари. 18.55 — Телетомошабин ҳамроҳи. 19.30 — Интерсигнал. 20.00 — Ёзги Олимпиада ўйинлари. 21.00 — Время. 21.35 — Қайта қуриш прожектори. 21.50 — Ёзги Олимпиада ўйинлари. 01.00 — Дунё воқеалари.

МТ-II. 8.40 — Гимнастика. 8.55 — Ёзги Олимпиада ўйинлари. 15.00 — Янгиликлар. 15.10 — Ҳужжатли фильмлар. 15.40 — Очиқ рояль. 18.35 — Янгиликлар. 18.45 — Ҳамма учун ва ҳар бир киши учун. 19.15 — Россиянинг мусиқавий уйлари. 20.15 — Ҳужжатли фильм. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 — Рус халқ қўшиқларини И. Акчарова куйлайди. 21.00 — Время. 21.35 — Қайта қуриш прожектори. 21.45 — «Йўқ қилишга киришилсин». Бадиий фильм, 2-серия. 22.50 — Янгиликлар. 22.55 — Қизил чиннигул.

УзТВ-I. 15.00 — «Евдокия». Бадиий фильм. 16.45 — Болалар учун театр. 18.00 — Янгиликлар 18.15 — Цирк программаси. 18.45 — Мультфильм. 18.50 — ВЛКСМ 70 йиллигига. 19.30 — Санъат олами. 20.00 — Ахборот. 20.20 — Шеърий дафтар сатрлари. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Телефильм. 21.00 — Время. 21.35 — Қайта қуриш прожектори. 21.45 — Долзарб интервью. 22.20 — Музиқали учрашувлар. 23.30 — Мерос.

УзТВ-II. 19.05 — «Олмазор». Бадиий фильм. 20.30 — Ишончмеридиани. **Фрунзе.** 21.00 — Время. 21.35 — Қайта қуриш прожектори. 21.45 — Ҳужжатли фильм. 20.00 — Ахбор. 20.15 — Концерт. 21.00— Время. 21.35 — «Янгра, ёшлик». 22.25 — «Резидент операциясининг тугатилиши». Бадиий фильм. 2-серия.

1 октябрь, шанба

МТ-I. 7.00 — «120 минут». 9.05 — В. Готовцева куйлайди. 9.20 — Ҳамма учун ва ҳар бир киши учун. 9.55 — Ёзги Олимпиада ўйинлари. 15.25 — Концерт. 16.25 — Хитойнинг миллий байрамига. 17.25 — Ёзги Олимпиада ўйинлари. 21.00 — Время. 21.35 — Қайта қуриш прожектори. 21.45 — Ёзги Олимпиада ўйинлари. 01.05 — Янгиликлар.

МТ-II. 8.30 — Гимнастика. 8.45 — Ҳужжатли фильм. 8.55 — Ёзги Олимпиада ўйинлари. 12.05 — Олатоу жилолари. 12.30 — Ҳужжатли фильм. 13.00 — Ёзги Олимпиада ўйинлари. 14.00 — Навбатнинг боши қаерда? 15.05 — Мультфильм. 15.10 — Ёзги Олимпиада ўйинлари. 17.15 — «Вакансия». Бадиий фильм. 18.30 — СССР Давлат телерадиосининг квартети чалади. 18.45 — Оқ ёшик ортида. 19.40 — Ҳаракат хавфсизлиги учун. 19.45 — Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 — Ёзги Олимпиада ўйинлари. 21.00 — Время. 21.35 — Қайта қуриш прожектори. 21.45 — Чет эл фильмлари экрани. 23.25 — Янгиликлар.

УзТВ-I. 9.00 — «Ассалому алайкум». 10.00 — Шанба экрани. 11.30 — Ёш шоирлар билан учрашув. 12.40 — Концерт. 13.05 — Ўзбекистон спорти. 13.35 — Объективда — қайта қуриш. 14.10 — ХХР ташкил топган кунга. 18.00 — «Зор эдим бир кўргали...» 18.40 — Унутилмас сатрлар. Атоий. 20.00 — Ахборот. 20.20 — Ҳужжатли фильм. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Катталар учун мультфильм. 21.00 — Время. 21.35 — Қайта қуриш прожектори. 21.45 — Дала меҳнаткашлари учун кечки музиқали программа. 23.05 — Жадвалдан ташқари дарслар.

УзТВ-II. **Душанба.** 17.55 — «Сеҳрли ўт». Спектакль. 18.45 — Жаҳон бир ҳафта ичида. 19.00 — Новости. 19.15 — Гаҳворабандон. 20.00 — Ахбор. 20.25 — «Феруза» ансамбли ижро этади. 21.00 — Время. 21.35 — Қайта қуриш прожектори. 21.45 — «Резидент» операциясининг тугатилиши». Бадиий фильм. 1-серия. 22.55 — Фильм-концерт.

2 октябрь, якшанба

МТ-I. 8.30 — Янгиликлар. 8.45 — Спортлото. 8.55 — Тонгги почта. 9.25 — Мультфильм. 9.40 — Будильник. 10.10 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан! 11.15 — Ёзги Олимпиада ўйинлари. 15.15 — Қишлоқ янгиликлари. 16.15 — Ўқитувчилар кунига. 17.00—Ёзги Олимпиада ўйинлари. 18.10—Халқаро панорама. 18.55 — Мультфильмлар. 19.25 — Ёзги Олимпиада ўйинларининг тантанали ёпилиши. 21.00 — Время. 21.35 — «Қадрдонларим, дилбандларим...» Фильм-спектакль. 23.10 — Янгиликлар.

МТ-II. 8.30 — Зарядкага сафланинг! 8.45 — Сиз яратган боғ. 9.20 — Ажойиб кишилар ҳаёти. 10.05 — Юрак хасталиги. 10.55 — Қаерга ўқишга киришни керак? 11.00 — Инсон. Ер. Коинот. 12.00 — Ўқитувчилар кунига. 13.00 — «Стругураш» ансамблининг концерти. 13.35 — Чет эл фильмлари экрани. 14.50 — Ҳужжатли фильм. 15.30 — Ёзги Олимпиада ўйинлари. 17.10 — «Автобус». Фильм-спектакль. 19.30 — Каттлар ва болалар. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.50 — Ҳужжатли фильм. 21.00 — Время. 21.35 — Халқаро музика кунига.

УзТВ-I. 9.00 — «Ассалому алайкум». 10.00 — Оила даврасида. 11.00 — Биргаликда куйлаймиз. 11.20 — «Катта бўлишни истамайман.» Бадиий фильм. 12.35 — Чим хоккей. «Политотдел» — «Спартак». 13.05 — «Маҳваши нозук». Бухоро яҳудийларининг театрлаштирилган томошалари. 14.35 — Табиат ва инсон. 15.05 — Реклама. 18.05 — Мультфильмлар. 18.40 — Санъат ғунчалари. 19.10 — Фильм-концерт. 19.40 — Объективда — инсон тақдири. 20.00 — Ахборот. 20.20 — Телефильм. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Телефильм. 21.00 — Время. 21.35 — Концерт очерк. 22.35 — Ўқитувчилар кунига.

УзТВ-II. **Душанба.** 17.35 — «Прохиндиада ёки жойида югуриш». Бадиий фильм. 19.00 — Новости. 19.15 — С. Маннонов ҳақида телеочерк. 19.45 — Ҳужжатли фильм. 20.00 — Ахбор. 20.15 — Концерт. 21.00— Время. 21.35 — «Янгра, ёшлик». 22.25 — «Резидент операциясининг тугатилиши». Бадиий фильм. 2-серия.

ОММАВИЙ САЙИЛЛАР

Киров районидаги маданият ва истироҳат боғида меҳнаткашларнинг бўш вақтини қўнгилли ўтказишлари учун қулай шароитлар яратилган. Боғда 3 минг тупдан ортиқ манзарали дарахт бор. Гулзорлар анвойи гулларга бой. «Шарқ» кинотеатри, отахонлар чойхонаси ҳамиша гавжум. «Қувноқ поездча» болалар аттракциони, видеобар кўпчиликка маъқул келмоқда. Бу ерда турли мавзуларга бағишланган оммавий сайиллар уюштириш анъанага айланган. Чунончи дам олиш кунлари «Меҳнатимиз, ижодимиз — партияга, Ватанга» шиори остида ўтказилган халқ талантлари кўрик-конкурси, ВЛКСМнинг 70 йиллигига бағишланган театр томошалари, спорт мусобақалари, қовун сайиллари дам олувчиларда яхши таассурот қолдирди. Пахта йиғим-терими бошланишига бағишланган оммавий халқ сайили ҳам ўзига хос тантанага айланди. Байрамда район хўжаликларининг 5 мингдан ортиқ меҳнатчиси қатнашди. Шу кунларда эса район миришкорлари 61 минг 430 тоннали пахта хирмони учун ғайрат кўрсатишмоқда.

З. ҲАЙДАРОВ,
Фарғона области.



Самарқанд область Пайариқ район ўқитувчилари ёшларни интернационализм, халқлар дўстлиги руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор бермоқдалар. Бу ерда дарслар мактаб ислоҳоти талаблари асосида ўтказилмоқда. Бунда рус тили ўқитувчиларининг изланишлари диққатга сазовордир. Иккинчи она тили — рус тилининг бутун жозибаси ва улуғлигини ўргатиш борасидаги изланишлар ўз самарасини бераётир. Шу билан бирга, райондаги рус тили ўқитувчилари тез-тез учрашиб, ўз тажрибаларини ўртоқлашмоқдалар.

Суратда: рус тили ўқитувчиларидан бир группасини кўриб турибсиз.

Ғ. АЛИЕВ фотоси.

ҚАРИЯЛАР ИЗЗАТДАМИ?

ТОШКЕНТ ШАҲАР СЕРГЕЛИ РАЙОН СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Қўлимизда Тошкент шаҳар 5-Қўйлиқ массивида истиқомат қилувчи уруш ва меҳнат ветеранларининг бир группаси номидан Улуғ Ватан урушн иккинчи группа инвалиди Ғани ака Ҳабибовнинг газета редакциясига йўллаган мактуби. Унда шундай жумлалар бор:

«Биз яшаётган массивда ҳанузгача ечилмай келаётган бир муаммо бор. Аҳоли дам оладиган маданий маскан йўқ. Чойхона ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Шаҳарни айланиб, чойхоналарда ўтатўртта бўлиб суҳбат қураётган, шахмат ўйнаётган мўйсафидларга ҳавасимиз келади. Бизнинг массивда ҳам чойхона қурилса, «Қизил бурчак»лар ташкил этилса, у ерда газета-журналлар ўқиб, қизиқарли лекция ва суҳбатлар тингласак, деган истак тинчлик бермай келаётир.

Хўш, массивимизда маданий дам олиш маскани ташкил этиш учун имконият борми? Бор, албатта. Ҳатто бино ҳам бор. Енгинамизда массив барпо этилаётганида бинокорлар учун ошхона қурилганди. Қурилиш ишлари ниҳоясига етгач, бу ошхона ўз ҳолича қолиб кетди. Бинодан ҳанузгача бирон-бир ташкилот фойдаланаётгани йўқ. У массив аҳолиси учун энг қулай жойдан ўрин олган. Шу бинони бизга ажратиб беришларинн сўраб Сергели район ижроия комитети раҳбарларига мурожаат қилдик. Ў ердагилар бино район ижроия комитетига қарашли эмас, 2-уйсозлик комбинати ҳисобида туради, деган жавобни беришди. Нонлож газетага мурожаат қиляпмиз. Бинони массив аҳолиси эҳтиёжлари учун фойдаланишга ажратишга ёрдам беришларингизни сўраймиз».

Биз шаҳардаги 5-Қўйлиқ массивида бўлиб, қария тилга олган бинонинг ҳозирги аҳволини кўриб ачиндик. Эътиборсизлик оқибатида бино деярли харобага айланган. У ерда ҳар хил қурилиш материаллари тартибсиз жойлаштирилган. Ободонлаштиришни гапирмаса ҳам бўлади — ҳатто бирон туп дарахт йўқ. Дарҳақиқат, Ғ. Ҳабибовнинг қайғуришида жон бор экан. Бино маданий-маиший мақсадларда фойдаланиш учун жуда қулай жойда.

Биз 2-уйсозлик комбинати бошлиғи В. Қ. Алиев билан боғландик. Бошлиқ бажонидил бу бинони Сергели район ижроия комитети ихтиёрига ўтказишга розилик берди. Фақат район ижроия комитетидаги масъул кишилар тегишли ҳужжатларни тайёрлаб келса бас, деб таъкидлади.

Шу ўринда Сергели район ижроия комитетига жиддий эътирозимиз бор. Наҳотки, улар 2-уйсозлик комбинати раҳбарларига мурожаат қилиб, қариялар илтимосини қондиришни ўзларига эп кўришмаган бўлса? Ахир, аҳоли учун маданий-маиший шароит яратиш энг муҳим вазифалардан ҳисобланади-ку.

Ижроком раҳбарлари қарияларнинг ҳақли сўровига эътибор билан муносабатда бўлишади, деб ўйлаймиз.

Д. ҚИРҒИЗБОЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ

ОРАЛИҚ МАРРАДА

Бугун Олимпиада байроғи кўтарилганига 9 кун бўлди. Кеча спортчилар қизғин бахсларнинг ўзига хос оралиқ маррасидан ўтдилар.

Болгария оғир атлетикачилари бу борада бироз хатоликларга йўл қўйишмоқда. Чунончи, 56 килограмм вазнли спортчилар сафида олтин медалли бўлган Митко Граблевнинг ўйиндан чиқарилгани мухлисларга аён. Унинг командадоши Ангел Генчев билан ҳам худди шундай воқеа содир бўлди. Врачлар унинг ҳам кишига нотабиий куч-қувват бахш этувчи дори-дармонлардан фойдаланганлигини аниқлаб, мусобақадан четлаштиришга қарор қилишди. Шунингдек, испаниялик бешкурашчи Хорхе Квесада ҳам худди шундай аҳволга тушди. Халқаро Олимпиада комитети медицина комиссиясининг қарорини маъқуллади.

Мовий йўлкалардаги мусобақалар қизғин давом этмоқда. АҚШ сузувчиси Дэвид Беркафф чалқанча сузишда 100 метрли масофани 54,51 секунда босиб ўтиб, жаҳон рекордини ўрнатди. Унинг бу ютуғи дастлабки урунишларда юз берди. Шу масофада эса совет спортчиларидан Игорь Полянский билан Сергей Заболотновлар ҳам куч синашмоқдалар. 4х100 метрга эстафетали сузишда ГДР спортчиларига ҳеч ким бас келолмади. Улар 4 минут 08,53 секундлик натижа билан ғалаба қозонишди.

Енгил атлетика мусобақаларида энг кўп медаль соҳиблари аниқланади. Спортнинг қизиқарли бу турида йигит-қизлар турли хил бахсларда қатнашадилар. Зеро, 100 метрга югуришда канадалик Бен Жонсон 9,79 секундлик натижа билан жаҳон рекордини ўрнатди. Гимнастикачилар эса умумкоманда ва кўпкураш мусобақаларидан кейин алоҳида машқларда ўзларини кўрсатишга ҳаракат қилишмоқда. Спортнинг бу турида энг кўп олтин медалларни қўлга киритаётган совет спортчилари яна муҳлисларни қувонтиришмоқда. Жумладан, Сергей Харьков билан Владимир Артёмов эркин машқлар бўйича олтин ва кумуш медалларга эга бўлишди. Дмитрий Билозерчев конда машқ бажаришни ўрнига қўйиб, яна бир олтин медалли бўлди.

Эшкак эшувчилар ҳам совринли ўринларга даъвогарлик қилишмоқда. Ҳозирча спортчиларимиздан Александр Марченко билан Василий Якуш икки кишилик қайиқ ҳайдашда совринли учинчи ўринни эгаллашди. Бир кишилик қайиқда эса ГДР спортчиси Томас Ланге пешқадамлик қилди. Ғолиблик учун кураш эса тобора кескин тус олмоқда. Совет спортчилари дадил одимлашмоқда. Улар бугунгача жами 33 (16 таси олтин) медаль билан норасмий умумкоманда ҳисобида биринчи бўлиб туришибди. ГДР командаси 28 (9 олтин) медаль билан иккинчи, АҚШ олимпиадачилари 15 (6 та олтин) медаль тўплаб учинчи ўринда боришмоқда. Бугун олимпиадачилар 25 комплект медаль учун баҳс юритадилар.

Ҳ. НОСИРОВ.

Редактор
Л. ҚАЮМОВ.

Р. — 10990. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. А. — 221. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12